БҮТҮН ДҮНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШҢИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши № 158 (11.604) | 8 июль, жума, 1960 йил. | Баҳоси 20 тийин.

Шофрикон районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси комсомол қиз Барно Ҳожиева Турсуной Охунова ташаббусига қўшилиб, техникани эгаллашга отланган эди. У маккажўхори ўрадиган комбайнларнинг механик-ҳайдовчилари тайёрлаш курсини муваффақият билан тугаллади. Ўртоқ Ҳожиева шу йилнинг ўзида 60 гектар ердаги маккажўхори ҳосилини ўриб-йиғиб олмоқчи. У, ўзига бириктирилган маккажўхори ўриш комбайнини мавсумга тайёрламоқда. СУРАТДА: Б. ҲОЖИЕВА иш устида.

В. СИРОТКИН фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИГА

ХАЛҚ ТАРАДДУДИ

ҲОЗИР СУТНИНГ ЭНГ КЎПАЯДИГАН ВАҚТИ

Бу йилги ишлар ҳам чакки бўлмаяпти. Ватанпарвар колхозчиларимиз, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва республикамизнинг барча меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилини пахтачиликда, қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳасида янада серҳосил ва сермаҳсул йилга айлантирамиз, деб аҳд қилганлар. Бу аҳднинг ҳам муваффақиятли бажарилишидан дарак берадиган дастлабки нишоналар кўриниб қолди. Пахтакорлар фидокорона меҳнат қилиб, ҳар бир туп ғўзани авайлаб ўстирмоқдалар. Аҳдга яраша ҳосил етиштириш учун ғўза шу кечаю-кундузда жуда моҳирлик билан парвариш қилиниши зарурлигини ҳар бир меҳнаткаш жуда яхши тушунади. Мусобақадош Туркманистон, Озарбайжон, Тожикистон пахтакорларининг вакилларини кутмоқдамиз.

Юксак социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини кўрсатувчи дастлабки якунлар яна шундан иборатки, республикамиз давлатга гўшт сотиш йиллик планини ярим йилдаёқ бажарди. Давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки ярим баравар кўп гўшт сотилди. Бир қанча районлар, колхозлар ва совхозлар эса икки-икки ярим йиллик планни бажарибқўйдилар. Шу билан бирга чорва молларининг ҳамма тури янада кўпаймоқда. Фермаларда чорвачиликни янада ривожлантиришнинг илғор усуллари, чунончи, қора молларни боғламасдан боқиш, чўчқаларни катта-катта группаларга ажратиб боқиш, совлиқларни бир йилда икки марта қўзилатиш усуллари, минерал озуқалардан фойдаланиш соҳасидаги фойдали йўллар қўлланила бошладики, бу нарса ҳозиранок яхши натижа беряпти.

Республикамизда аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олишдан иборат умумхалқ вазифасини бажариш учун кураш кун сайин авж олмоқда. Бунинг натижасида колхоз ва совхозлар сут сотиш ярим йиллик планини ҳам ошириб бажардилар ва давлатга ўтган йилдагига нисбатан талай миқдорда кўп сут сотдилар.

Колхоз ва совхозларимизда ҳар бир сигирдан тобора кўпроқ сут соғиб олиш учун кураш мусобақаси тинмай кенг қулоч отмоқда. Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг сут соғувчиси, коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Зухра Комилова беш ой мобайнида ҳар бир сигирдан 2840 килограммга, Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Майхонча Сайфиддинова 1671 килограммга, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бўринисо Исҳоқова 2486 килограммга, шу райондаги Сталин номли колхоз сут соғувчиси Хайри Толипова 2783 килограммга етказиб сут соғиб олди. Ана шу илғор сут соғувчиларимиз номи бошқа илғор чорвадорлар қаторида Ўзкомпартия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида мамнуният билан тилга олинди.

Пахтачиликдаги каби чорвачилик ҳамда бошқа соҳалардаги мажбуриятларимизнинг ҳам муваффақиятли бажарилиши кундалик ишларимизнинг нечоғлик бораётганига, ҳар бир колхоз, совхоз, бригада ва бўлимда, ҳар бир фермада иш қандай қўйилганига боғлиқдир. Ҳолбуки кўпчилик районлар, колхозлар ва совхозларда сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори кўпайиб бораётган бир вақтда, бир қатор жойларда бунинг акси юз бермоқда. Масалан, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори шу йилнинг беш ойи мобайнида ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан Нукус шаҳрига қарашли чорва фермаларида 197 килограмм, Бағдод районида 157, Пастдарғом районида 123, Олтиариқ районида 107, Қува районида 73, Жалақудуқ районида 56 килограмм камайиб кетган. Худди шунингдек, Ҳўжайли, Термиз, Ҳазорасп, Денов, Поп районлари каби бир қанча районлар давлатга сут сотиш мажбуриятини бажаришда шармандаларча орқада судралиб қолмоқдалар.

Сутни кўпайтириш ва давлатга сут сотиш юзасидан олган ўз мажбуриятларини мутлақо қониқарсиз бажараётган районларнинг раҳбарлари, чунончи, Бағдод район партия комитетининг секретари Хошимов, район ижроия комитетининг раиси Йўғиталиев, Пастдарғом районининг раҳбарлари Солиҳбоев ва Тўрабеков, Қува районининг раҳбарлари Шодиев ва Жўрахўжаев, Олтиариқ районининг раҳбарлари Муҳиддинов ва Охунов, Жалақудуқ районининг раҳбарлари Ўўлчибоев ва Йўлдошев, Нукус шаҳрининг раҳбарлари Абдалов ва Худойберганов ўртоқларнинг сўзи бошқа-ю, иши бошқа бўлиб чиқмоқда. Улар бу соҳада ўз районларида қабул қилинган қарорларнинг, берилган ваъдаларнинг бажарилишини таъминла м а ё т и р л а р, уларнинг гап-сўзлари қуруқ ваъда бўлиб қолмоқда.

Бундай аҳволга ортиқча тоқат қилиб бўлмайди. Чунки қолоқликка ҳеч қандай асос йўқ. Сутни тобора кўпайтириш ва давлатга сут сотиш мажбуриятини тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биргина нарса, у ҳам бўлса оташин ташкилотчилик, ишни яхши йўлга қўя билиш талаб қилинади, холос. Сигирнинг сути—тилида, деб бекорга айтилмаган. Сигир қанча яхши боқилса, қанча яхши парвариш қилинса, шунча серсут бўлади. Ҳозир сигирларнинг айниқса кўп сут берадиган вақти—ҳаммаёқда ўт-ҳашак сероб. Сигирларни боғламай боқиш-суғориш, уларни айниқса тўйимли ём-ҳашакларга кўпроқ қондириш керак. Шунда сигирлар роса яйрайди ва кўп сут беради.

Табиий ўтлар жуда бўлиқ бўлган бу йилги шароитда ем-ҳашакни жуда мўл-кўл тайёрлаб олиш мумкин. Маккажўхори ва оқжўхори экинларини яхши парвариш қилиш ва улардан кўпроқ поя, думбул ва бошоқ етказиш—ем-ҳашак тайёрлашда энг асосий вазифадир. Бу ишга бепарво қараш ҳолларига қатъий барҳам бериш керак. Шунингдек, беда ўрими ва табиий ўтларни ўриб олишдаги сусткашликни тезда битириш зарур. Бу иш Самарқанд, Хоразм областларида жуда қониқарсиз бормоқда. Шунингдек, Фарғона, Андижон областларининг колхоз ва совхозларида беда ўрими ва табиий ўтларни ўриб олиш яхши йўлга қўйилган эмас.

Сигирларни парвариш қ и л и ш, уларнинг сутини кўпайтириш, давлатга сут сотиш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш ва аҳолига тобора кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш—колхоз ва совхозларимизнинг шарафли ишидир. Улардаги бошланғич партия ташкилотлари, район ва область партия комитетлари Ўзкомпартия Марказий Комитети III пленумининг қароридаги бу соҳада белгиланган тадбирларнинг тўла амалга оширилишини с ў з с и з таъминламоқлари лозим.

140 МИНГ ГЕКТАР ҚЎРИҚ ОЧИЛАДИ

Андижон ва Фарғона областларидаги 150 га яқин хўжалик Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштирмоқдалар. Кейинги йиллар мобайнидагина 45 минг гектар унумдор ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилиб, пахтазорлар, шолизорларга, маккажўхоризорларга айлантирилди. Марказий Фарғонада колхозлараро кенгаш маблағининг ҳисобига қурилган гидротехника иншоотлари, каналлар, коллекторлар юз минг гектардан зиёд ерни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш ва суғориш имконини берди. Колхозлараро кенгашнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова раислигида ўтган мажлиси Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштираётганлар олдига қўйилган янги вазифаларни муҳокама қилишга бағишланди.

Шу нарса қайд қилиб ўтилдики, ҳар иккала областнинг колхоз ва совхозлари шу етти йилликда яна 140 минг гектар қўриқ ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритишлари лозим. Шу кунларда «Ферганаводстрой» трестининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига Ватанимизга янги меҳнат совғаси тайёрлаб, қурилиш-монтаж ишлари ярим йиллик планини анчагина ошириб бажарди.

Экскаваторчи ва бульдозерчилардан иборат ўн саккизта бригада ҳозирнинг ўзидаёқ етти йиллик нинг учинчи йили ҳисобига ишлаб, коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун муваффақият билан мусобақалашмоқда. «Ферганаводстрой» коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, йиллик планни 5 декабргача бажариш учун курашишга аҳд қилди.

Колхозлараро кенгаш мажлисининг қатнашчилари Фарғона области Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг ажойиб ишлар қилганликларини эшитдилар.

Ғўзаларнинг яхши ривожланаётганлиги колхоз аъзоларига илгариги мажбуриятни қайтадан кўриб чиқиш ва бу йил қ ў р и қ е р л а р н и н г ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун мусобақа бошлашнинг ташаббускорлари бўлиш имкониятини берди. Карл Маркс номли колхоз аъзолари келгуси йилда пахта, маккажўхори ва бошқа экинларнинг майдонларини икки баравар кенгайтиришга аҳд қилдилар.

Колхозлараро кенгашнинг мажлисида қўриқ ерларни комплекс равишда ўзлаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Мажлисда республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, «Узглавсельстрой», 1-қурилиш-монтаж конторасн номига қаттиқ танқидий мулоҳазалар айтилди. Бу ташкилотлар йўл, уй-жой, маданий-маиший қурилишларга қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц қатнашди.

ДЕҲҚОНОБОДЛИК ВА ҚАМАШИЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ТОРТИҒИ

ТЕРМИЗ, 7 июль. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан телефон орқали). КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига социалистик мусобақани авж олдирган Деҳқонобод район ғаллакорлари ажойиб муваффақиятга эришдилар. Кечаги район давлатга ғалла сотиш йиллик планини 101,5 процент қилиб бажарди.

Мўл ғалла ҳосилини ўз вақтида ўриб-йиғиб олишда «Ленинизм» колхозидан Ҳасанов, Зулфиқоров, «I Май» колхозидан Беккулов, Даниев, Крупская номли колхоздан Замонов, Йўлдошев, «Деҳқонобод» совхозидан Дўрмонов сингари комбайнчилар фидокорона меҳнат қилиб, мавсум нормасини 200 процентдан ошириб бажардилар.

«Деҳқонобод» совхозида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Тожи Оллоёров бошлиқ бригада 1500 гектар майдонининг ҳар гектаридан 9 центнердан ғалла йиғиштириб олди.

Райондаги колхоз ва совхозларда пландан ташқари ғалла сотиш давом этмоқда.

• • •

Сурхондарё областидаги Қамаши районининг ғаллакорлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига социалистик мусобақани қизғитиб, 7 июлда давлатга ғалла топшириш планини муддатидан олдин 100,5 процент бажардилар. Давлат омборига 387 минг 500 пуд дон тўкилди.

Ғалла топшириш давом этмоқда.

МЕТАЛЛУРГЛАР АҲДИ

БЕКОБОД, 7 июль, (ЎзТАГ). В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига бошланган меҳнат вахтасида катта муваффақиятга эришди. Бу ерда йил бошидан бери 1965 йилнинг шу даври мобайнида бажарилиши кўзда тутилганидан кўп пўлат эритилди.

Бу муваффақиятга пўлат эритишнинг тезкор усулларини ялпи суратда жорий килиш натижасида эришилди. Маннап Мирзаматов, Николай Краси ва бошқа пўлат эритувчилар шу кунларда печнинг ҳар бир квадрат метридан ўрта ҳисобда 9,2 тоннагача пўлат олмоқдалар. Бу миқдор етти йилликнинг охирига мўлжалланганига нисбатан 0,34 тонна кўпдир.

Ҳозирги вақтда қўрилаётган ташкилий-техника тадбирлари, яни кислород билан пуфлашга ўтиш, пўлатни узлуксиз қуйишни жорий килиш пўлат эритишни янада оширишга имкон беради.

Металлургла кўлга киритилган муваффақиятларга таяниб, бу йил етти йилликнинг охири йилига мўлжалланганига нисбатан 5—7 минг тонна кўп пўлат эритишга аҳд қилдилар.

ИШЧИЛАРИМИЗНИНГ ИШИ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ!

Австрия меҳнаткашларининг делегациялари Совет ҳукумати Бошлиғи Н. С. ХРУШЧЕВНИ табрикламоқда

Совет ҳукумати Бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Австрия бўйлаб қилаётган саёҳатв тугай деб қолди. Никита Сергеевич Иббс-Персенбойг-да яқинда қурилган гидроэлектростанциянинг ишчилари ва инженерлари билан учрашди, Маутхаузенда гитлерчилар асоратига қаршилик ҳаракатининг қатнашчиларидан минглаб кишилар ва Маутхаузен зиндонларида азоб тортган собиқ тутқунлар Н. С. Хрушчев билан учрашмоқ учун келдилар, Динцда Совет ҳукуматининг Бошлиғини «фёст» металлургия заводининг ишчилари ва инженерлари жуда самимий кутиб олдилар, Зальцбургда шаҳар аҳолиси Н. С. Хрушчевни табриклаш учун Моцарт уйи яқинидаги ўрта асрдан қолган тор кўчаларни лиқ тўлдириб тўпландилар, Капрунда Никита Сергеевич тог гидроэлектростанциясининг бинокорлари билан учрашди ва улар Никита Сергеевични қизғин табрикладилар,—бу шаҳарлар энди орқада қолди.

Ўша жойларда нақадар тўлқинлантирувчи учрашувлар, нақадар самимий дўстона суҳбатлар бўлди! Деярли ҳамма жойда—Австрия касаба союзлари арбобларининг йиғилишларида ёки Австрия—Совет жамияти вакиллари билан бўлган учрашувида ҳам, ёхуд деҳқон фермасида, раемий қабул маросимида ҳам, ёхуд шаҳарлар ёки қишлоқларнинг аҳолиси билан кўчаларда бўлган тасодифий учрашувларда ҳам—ҳамма жойда Австрия меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевга тинчлик учун ҳормас курашчиси, меҳнаткашларнинг содиқ дўсти деб мурожаат қилмоқдалар. Улар Н. С. Хрушчевнинг сўзларига диққат билан қулоқ солдилар, у билан ўртоқларча, самимий суҳбатлашдилар. Шу суҳбатларнинг ҳамасида битта мавзу, битта фикр ифодаланди: тагин ҳам я х ш и р о қ дўст бўлайлик, ҳамкорлик қилайлик, тинчлик учун к у р а ш д а бир-биримизга тагин ҳам яқин турайлик, — деган идея ўз ифодасини топди. Австрияликлар Н. С. Хрушчевни социал тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун, тинчлик ва социализм улуғ ишининг галабаси учун ҳормас курашчи, деб билдилар ва ҳурматладилар. Улар ҳамма жойда Совет Иттифоқига, совет халқига, Совет ҳукуматига ва унинг бошлиги Н. С. Хрушчевга ўзларининг самимий чуқур ишончларини изҳор қилмоқдалар.

Кеча кечга яқин Н. С. Хрушчев в а унинг ҳамроҳлари узоқ сафардан сўнг Австриядаги Пиллах деган кичкина шаҳарга келдилар. Бу шаҳар саноат районининг маркази ва айни вақтда туристларнинг севиб сайр қиладиган жойларидан бири бўлиб, жуда хушманзара ерга жойлашган.

«Парк-отель» меҳмонхонасида Австрия Республикасининг федерал канцлери Ю. Рааб Н. С. Хрушчевни кутиб турган эди: Маълумки, у, Совет ҳукуматининг бошлигига бу саёҳатда ҳамроҳ бўлиб юрибди.

Меҳмонхона олдида эса, шаҳарнинг минглаб аҳолиси Никита Сергеевични кутмоқда эди. Кўчалар минг-минглаб кишилар билан лиқ тўлган. Улар тинмай қарсак чалар, совет ва Австрия байроқчаларини ҳилпиратар, табрик сўзларини айтиб, хитоб қилар эдилар.

Меҳмонхонанинг жуда кенг вестибюли одатдан ташқари гавжум эди. Бу одамлар совет меҳмонларини табрикламоқ учун келганлар, уларнинг орасида меҳнаткашларнинг жуда кўп делегациялари ҳам бор. Ниҳоят, тўлқинлантирувчи янги учрашувлар бирин-кетин бошланиб кетди.

СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси Филлахдаги шу учрашувлар ва суҳбатлар тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилди.

Клейбергдан келган кончилар делегацияси Н. С. Хрушчевни биринчи бўлиб табриклади. Шахтёрлар поляк кончиларининг формаларига ўхшаш ўзларининг традицион формаларини кийиб олганлар. Уларнинг эгнида қора мундир ва бошларида укпар қадалган чўзиқ шапкача.

Делегация бошлиги Карл Рейтер Никита Сергеевичга мурожаат қилиб тўлқинланган ҳолда бундай деди:

— Азиз ўртоқ Хрушчев, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Бош министри ўртоқ Хрушчев! Биз Клейберг қўрғошин конларининг ишчилари сени табриклаймиз. Сени бош министр деб, лекин, аввало, собиқ кончи деб табриклаймиз ва сенга кончиларнинг саломини топшириб, «глюк ауф!» деймиз. Биз, кончилар, тинчлик тарафдоримиз. Бизнинг меҳнатимиз қўрғошин қазиб чиқаришдир. Биз бу қўрғошиннинг фақат тинчлик ишига хизмат қилишини истаймиз.

(Давоми иккинчи бетда).

НУРЧИЛАРНИНГ МИЛЛИОНЛАРИ...

Қувасой саноат корхоналарини, қурилиш ва транспорт хўжаликларини, посёлкаларини нур билан таъминлашда Оржоникидзе номли ГРЭС коллективининг хизмати каттадир. Бу электростанция хизматчилари етти йилликнинг иккинчи йил топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан зиммаларига социалистик мажбурият олганлар. Коллектив 6 ой ичида пландан ташқари қарийб 11 миллион киловатт соат электр қуввати ҳосил қилди.

Турбина цехининг машинисти М. Дадаев, техник К. Карпунина, ўлчовчи У. Усмонов, машинист Қ. Содиқов ўртоқлар янги техника ва илғор технологияни жорий этишда, белгиланганидан кўп нур ҳосил қилишда фаол қатнашмоқдалар. Бу ерда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном учун кураш авжида.

ЭНГ ЙИРИҚ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Кеча Фарғонадан шундай ажойиб хушхабар келди: бу ердаги ёғ комбинатида маҳсулотни узлуксиз экстракция қиладиган энг йирик цех ишга туширилган. Ўзбекистоннинг бу ишлаб чиқариш гиганти ўзининг дастлабки маҳсулотини бера бошлади.

Янги цехнинг ишга туширилиши билан ёғни экстракция қилиш таннархи уч баравар камайди. Энг муҳими шундаки, илгари кўп беҳуда сарф бўладиган ёғларнинг ҳаммаси иқтисод қилиб қолинмоқда, хомашёдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда. Бу эса йилига қўшимча 4200 тонна ёғ ишлаб чиқариш имконини беради. Янги цех Германия Демократик Республикасидан келтирилган юқори унумли машина ва ускуналар, мукаммал аппаратлар билан қуроллантирилган.

1961 йилда шундай улкан цехлардан яна иккитаси ишга туширилади.



Тошкентдаги 1-авторемонт заводида янги поток линия ишга тушириди. Бу—меҳнат унумдорлигини анча оширди. СУРАТДА: з а в о д ишчиси А. АСҚАРОВ «ГАЗ—51» двигателини йиғмоқда.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

ТЕМИР ЎРНИДА БЕТОН

Вильнюсдаги темир-бетон буюмлари заводида мамлакатда биринчи пакет стенди агрегати ишга туширилди. Бу пакет ингичка ва узун бетон торларини ишлаб чиқаради. Корхона новаторлари янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кўп меҳнат ва ғайрат сарф киладилар. Бетон торининг узунлиги 12 метрдан 18 метргача бўлиши мумкин. Ундан йирик саноат корхоналарини ва биноларни қуришда, сув иншоотларида фойдаланилади. Бу эса кўплаб металл арматураларини тежаб, қолиш имконини беради.

МЕҲНАТ УНУМИ БАЛАНД

Қараганда шахтёрлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига муносиб тортиқ ҳозирлаб қўйиш учун қизғин мусобақалашмоқдалар. Июнь ойида кончилар эришган муваффақият айниқса қувонарлидир. Ҳар бир кончи бир сменада ўрта ҳисобда 90 тонна кўмир қазимоқда. Шу вақтга қадар конда бунақа катта кўрсаткичларга эришилмаган эди. Қардош шахтёрлар йил бошидан бери қўшимча қарийб 100 эшелон юқори сифатли ёқилғи жўнатдилар.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ГИГАНТИ

Сибирда жуда катта электростанциялар қурилмоқда. Красноярск ўлкасидаги Назаравск ГРЭСи етти йилликнинг энг йирик иншоотларидан биридир. Бу гигант нур манбаи 1965 йилга бориб тўла қувват билан ишлайди. Унинг қуввати 1 миллион 400 минг киловаттдир. Электростанция Ачинск районида топилган маҳаллий кўмир билан ишлайди. Сибирда бундай ГРЭС ларнинг сони кўпдир.

ҚОЗОҒИСТОН ЧУЯНИ

Қараганда металлургия заводининг ишга туширилганига бир неча кунгина бўлди. Лекин янги корхонанинг дастлабки чўяни мамлакатнинг турли саноат корхоналарига пешма-пеш жўнатиб турилибди. Завод коллективи ўз маҳсулотининг каттагина қисмини Тошкент, Фарғона ва Сталинободдаги корхоналарга юборди. Қозоғистон магнитказининг арзон чўяни машинасозларга манзур бўлмоқда.

КЕЧКИ ХАБАРЛАР

⊙ Япония деҳқонларининг митинги. ⊙ Эйзенхауэр куба қандига бўлган квотани камайтирди. ⊙ Атоқли инглиз философи Б. Расселнинг айтганлари.

⊙ ТОКИО, 7 июль. (ТАСС). Деҳқонлар иттифоқлари Умум Япония федерациясининг ташаббуси билан Япония деҳқонларининг ўз ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилмоқ учун, мамлакатни милитаризациялаштиришга қарши митинги бўлди. Ниигата, Акита ва бошқа префектуралардан ана шу митингга келган неча юзлаб делегатлар шолининг ҳарид қимматини оширишни талаб қиладиган резолюция қабул қилдилар. Улар Қўшма Штатлар билан тузилган ҳамда Японияни атом урушининг Узоқ Шарқдаги ўчоғига айлантиради. ган, унинг экономикасини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини вайрон қиладиган янги ҳарбий иттифоққа қарши эканликларини якдиллик билан билдирдилар.

⊙ НЬЮ-ЙОРК, 7 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернешнл агентлигининг хабар беришича, президент Эйзенхауэр куба қандига бўлган квотани камайтириш юзасидан ўзига берилган ваколат ҳақидаги қонун лойиҳасини бугун имзолади ва шу ондаёқ квотани 1960 йил учун 700 минг тонна камайтирди.

⊙ ЛОНДОН. «Гардиан» газетаси атоқли инглиз философи Бертран Расселнинг хатини босиб чиқарди. Б. Рассел ўзининг бу мактубида Шимолий Атлантик Иттифоқидан Англиянинг чиқишини ёқлаб фикр билдирган. Рассел шу нарсани уқтириб ўтадики, ракета техникасини тараққий эттириш билан Англиянинг НАТОда қатнашуви мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаётгани эмас, балки, аксинча, унинг аҳолиси учун хавфни кучайтиради.

ИШЧИЛАРИМИЗНИНГ ИШИ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ!

(Боши биринчи бетда)

Кончилар делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчевдан Клейберг ишчиларининг номидан илтимос қилиб, қўрғошин конига меҳмон бўлиб боришни сўрайди.

Сиз бизнинг конимизга борсангиз, биз учун катта шараф бўлур эди. Сиз иш билан жуда банд эканлигингизни биламиз, лекин бизнинг ҳузуримизга бормоқ учун эҳтимол бир оз фурсат топурсиз. Биз Сизга муваффақиятлар тилаймиз, бутун дунё кончиларига бахт-саодат тилаймиз, ер юзидаги ҳамма кишиларга бахт-саодат тилаймиз.

Делегация қўрғошин кони ишчилари юборган қўрғошин руда кристалларининг намуналарини Н. С. Хрушчевга кончилар номидан тортиқ қилади. «Бу арзимас совғани қабул қилгайсиз», деди тортиқ бераётган ишчи табассум қилиб.

Н. С. Хрушчев кристаллар солинган оғир яшикни қўлида салмоқлаб кўриб, уларнинг гапига жавобан дейди:

— Қўрғошинлиги сезилиб турибди.

Никита Сергеевич шахтёрларга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Азиз ўртоқлар! Сизларнинг менга собиқ кончи сифатида мурожаат қилиб айтган табрик сўзларингизни эшитиб, айниқса хурсанд бўлдим.

Мен шахтёрнинг меҳнати қанақалигини биламан, бу меҳнатнинг қадрига етганман ва ҳозир ҳам қадрлайман. Совет Иттифоқида биз бу меҳнатни енгиллаштирмоқ учун ҳамма чораларни кўрдик. Бизнинг шахтёрларимиз энг қисқа иш кунига эга бўлиб қолдилар. Улар ер остида кунига олти соат ишлайдилар, қолган ишчилар эса етти соат ишлайди. 1964 йилда 7 соатлик иш кунидан 6 соатлик иш кунига ўта бошлаймиз, шахтёрлар эса 6 соатлик иш кунидан 5 соатлик иш кунига ўтадилар, чунки шахтёрнинг меҳнати қандай меҳнатлигини биламиз.

Кончилар бу гапни эшитиб, ҳаракатга келадилар, чеҳралари хурсандлик табассуми билан қопланади.

— Эртага сизларнинг ҳузурингизга бора олармикинман, буни аниқ айтолмайман, чунки мен бу ерда меҳмонман ва менда ихтиёр йўқ. Протоколда қаёққа бориш кўрсатилган бўлса, шу ёққа бораман. **(Шодиёна жонланиш).** Гарчи сизларнинг мамлакатингиз унча катта бўлмаса ҳам, лекин бу мамлакатда қизиқарли нарсалар кўп, шуларнинг ҳаммасини кўргинг келади, киши. Башарти сизларнинг ҳузурингизга бориш имконини тополмасам, сизлардан илтимосим шуки, шахтёрларга мендан салом айтиб қўйинглар. Уруш бўлмаслиги учун тинчлик йўлида биргалашиб курашайлик. Сизларга чин кўнгилдан муваффақият тилайман.

Қизғин қарсаклар бошланади.

— Сизлардан илтимосим шуки азиз дўстлар, деди Н. С. Хрушчев, бу учрашув тўғрисида эсдалик бўлсин, деб сизлар ҳам мендан значокларимизни ва Совет Иттифоқида учирилган Ер йўлдошининг моделини қабул қилиб олинглар.

Н. С. Хрушчев йўлдош моделининг музикали механизмини калид билан бураб юборади, шу пайтда моделдан оҳангдор сигналлар эшитила бошлайди. Яна ҳамма қарсак чалиб юборади. Ишчилар совғаларни қувониб қабул қиладилар.

Н. С. Хрушчев билан учрашмоқ учун ўз формасини кийган темир йўлчилар делегацияси келади. Делегация бошлиғи ўртоқ Карл Нейвирт Никита Сергеевичга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Социалистик Совет Иттифоқининг ҳурматли Бош министри ўртоқ Хрушчев! Бизнинг Филлах шаҳримиз — темир йўлчилар шаҳри. Биз Сизни чин кўнгилдан табриклаймиз ва ҳамма вақт тинчлик иши учун курашиб келганлигингиз ва курашаётганлигингиз учун Сизга ўзимизнинг ташаккуримизни айтмоқчимиз. Биз тинчлик йўлида актив иш олиб бораётганлигингиз туфайли, биз ўзимизнинг ишлаб чиқариш вазифаларимизни тинчлик шароитида ҳал қилиш имкониятига эга бўлиб турибмиз.

Австрия билан Давлат шартномаси тузиш ишида кўрсатган хизматларингиз учун ҳам Сизга ташаккур айтамиз. Биз Давлат шартномаси Сизнинг ғайратингиз туфайли тузилганлигини биламиз, шунинг учун ҳам биз тинчлик шароитида яшаб турибмиз.

Совет Иттифоқи тинчликнинг таянчи бўлганлиги учун ҳам Сизга ташаккур айтамиз, худди шу туфайли Америка учувчилари энди бетараф Австрия тепасида учолмайдиган бўлиб қолдилар.

Жаҳонда биринчи ишчилар давлатининг вакили бўлган Сиз ўртоқ Хрушчевдан бундан буён ҳам халқларнинг тинчлик ва эркинлик шароитида яшай олишлари учун тинмай курашингизни илтимос қиламиз.

Темир йўлчилар Н. С. Хрушчевга гуллар тақдим қиладилар. Никита Сергеевич ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

— Темир йўлчи азиз ўртоқлар! Сизлар ишлаётган транспорт мамлакатнинг бамисоли ҳаёт томиридир. Организмнинг веналари ва артерияларида қон юриб туради, темир йўл магистрали орқали ҳам инсон меҳнатининг маҳсулотлари алмашиниб туради, бунинг натижасида давлат яшаш ва муваффақиятли ривожланиш имкониятига эга бўлади. Сизлар мамлакатнинг ҳамма районларини бир-бирига туташтирасиз.

Шу сабабли, мамлакатнинг ҳаётида транспортнинг ва транспорт ишчиларининг аҳамияти жуда катта. Лекин сизлар кибирланиб кетманглар. **(Шодиёна жонланиш).**

Сизга шуни айтишим керакки, дўстлар, ҳозир Совет Иттифоқи ҳар қачонгидан ҳам кучли **(Қарсаклар).** Биз катта ғалабаларга эришдик, биз жуда зўр иқтисодий ва ҳарбий қувват вужудга келтирдик, биз совет халқининг фаровонлигини оширдик. Лекин биз бу қувватдан уруш мақсадида фойдаланмоқчи эмасмиз. Бизда бундай ният йўқ, бизга уруш керак эмас, коммунизмни муваффақиятли қурмоқ учун бизга тинчлик керак. Шунга амин бўлингларки, Австриядаги сизларнинг ички ишларингизга аралашмаймиз ва бундан буён ҳам аралашмоқчи эмасмиз, лекин биз Совет Иттифоқида ўз ишимизни охиригача етказамиз, ишчиларнинг иши — коммунизм иши ғалаба қилади! **(Гулдурос қарсаклар).**

Темир йўлчи ўртоқларга менинг энг яхши қардошлик истакларимни топширишларингизни сўрайман. **(Қарсаклар).** Шу билан бирга, мендан эсдалик учун значоклар ва йўлдошнинг моделини қабул қилишларингизни сўрайман, агар мен буларни сизларга тортиқ қилмасам, сизлар ўзи шахтёр бўлгани учун шахтёрларга йўлдошнинг моделини ва значокларни тақдим қилди-ю, аммо, бизга бошқача муомала қилди, деб гапиришларингиз ҳам эҳтимол. **(Шодиёна жонланиш).** Лекин бизга — ҳамма ишчилар — қардошлармиз, ҳаммамиз умумий иш учун курашмоқдамиз. Шахтёрлар бўлмаса, темир йўллар ишлай олмас эди, темир йўлчилар бўлмаганида эса, шахталар ишлай олмас эди. Ишчилар синфи ақил ва иноқ бўлиб ишламоқда. Ҳамма ишчилар инсоннинг яшаши, ривожланиши ва ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини биргаликда ишлаб чиқармоқдалар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев темирйўлчиларга совғаларни топширди. Энди унинг ҳузурига хотин-қизлар делегацияси келади. Делегация раҳбари Тереза Лаузеггер бундай деди:

— Ҳурматли жаноб Бош министр, ҳурматли ўртоқ Хрушчева, — деди у, Никита Сергеевичнинг ёнида турган рафиқасига мурожаат қилиб.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев хотин-қизлар делегациясига СССР маданият министри ўртоқ Е. А. Фурцевани таништиради.

— Мен Филлах хотин-қизларининг вакиласиман, — деди делегация раҳбари. — Сизлар бизнинг мамлакатимизга тинчлик ва дўстлик вакиллари бўлиб келганингиз учун хурсандмиз. Биз Филлах хотин-қизлари тинчлик ва дўстлик бўлишини истаймиз, тинчлик биз учун жуда қадрлидир. Мақсадимиз шуки, халқлар ўртасида дўстлик мустаҳкамлансин, деймиз!

Хотин-қизлар қизғин қарсак чаладилар. Улар Н. С. Хрушчевга, Нина Петровна Хрушчевага ва Е. А. Фурцевага гулдасталар ва совғалар топширадилар. Никита Сергеевич, Нина Петровна ва Е. А. Фурцева уларнинг қўлларини қисиб самимий миннатдорчилик билдирадилар.

— Азиз дўстлар, — деди Н. С. Хрушчев, — дўстлик ва ишонч билдириб айтган самимий сўзларингиз учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Совет хотин-қизлари сингари Австрия хотин-қизлари ҳам тинчликни ва халқлар ўртасида дўстликни ҳимоя қилиб чиқаётганликларига хурсандмиз. Сизларни ишонтириб шуни айтмоқчиманки, биз, совет кишилари, ҳамиша халқлар ўртасидаги тинчликнинг посбони бўлиб тура берамиз ва рўёбга чиқариш учун курашаётган ишимизни бундан буён ҳам ривожлантира берамиз.

Ҳар бир давлатнинг социал соҳада ўз вазифалари бор.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўз йўллари билан бормоқдалар, янги турмуш қурмоқдалар, Австрия ўз йўли билан бормоқда. Лекин бу нарса мамлакатимиз халқларининг дўст бўлиб яшашларига ва ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатмоқ учун биргаликда куч сарфлаб, кураш олиб боришларига халақит бермаслиги лозим.

Хотин-қизларнинг кўнглини тўлдиринтириб турган нарсани биз тушунамиз, чунки улар уруш вақтида энг кўп машаққат тортадилар. Уруш — хотин-қизлар учун фожиадир: оналар урушга кетаётган ўз ўғилларидан ажраладилар, хотинлар ўз эрларидан ажраладилар. Уруш — ўлим ва вайронликдир.

Тинчликни мустаҳкамламоқ учун биз ҳам лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Лекин тинчлик учун ҳамма халқлар курашмоғи лозим, фақат шу тақдирдагина тинчликни мустаҳкам равишда таъминлаш мумкин. **(Қарсаклар).**

Азиз хотин-қизлар. Сизлардан ҳам бизнинг эсдалик совғаларимизни — значокларни ва йўлдошнинг моделини қабул қилишингизни сўрайман.

Австрияликлар азиз меҳмон — Никита Сергеевич Хрушчевни ҳамма ерда ана шундай самимият билан кутиб олмоқдалар.

Акс ҳолда: эркакларга совғалар берди-ю, хотин-қизларга эса салом айтиш билангина кифояланди, дейдиган кишилар ҳам бўлиши мумкин. Йўқ, бизда хотин-қизлар тенг ҳуқуқли бўлиб, совет жамиятида катта мавқени эгаллаб турибдилар. **(«Офарин!» деган хитоблар, қарсаклар).** Агар мен сизларга совға бермасам, маданият министри ўртоқ Фурцева менга хотин-қизларга тенг ҳуқуқли муносабатда бўлмадингиз деб таъна қилиши мумкин. **(Ҳамма кулиб юборади, қарсаклар).**

Яна бир группа тоғ гулларидан ясалган гулдасталарни кўтариб, Н. С. Хрушчев ҳузурига келади. Улар Шарқий Тиролнинг делегацияси.

Делегация раҳбари Чарниг Никита Сергеевичга мурожаат қилиб бундай деди:

— Биз Шарқий Тиролдан келган делегациямиз. Сиз бизнинг томонга боролмаслигингизни эшитиб афсусландик ва шу сабабли, Сизни табрикламоқ учун ўзимиз бу ерга келдик. Тиролнинг ҳамма аҳолиси номидан, Совет Иттифоқининг ҳамма дўстлари номидан Сизни жуда чин қалбдан табрикламоқчиман.

— Сизларга ташаккур, азиз дўстлар, деди Н. С. Хрушчев, — табрик сўзларингиз учун, яхши истакларингиз учун сизларга ташаккур. Менинг ҳам илтимосим шуки, Шарқий Тироль аҳолисига, сизларни вакил қилиб юборган кишиларнинг ҳаммасига менинг саломимни ва яхши истакларимни топширгайсиз. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев табассум қилиб, яна давом этади:

— Сизларга маълумки, мен Совет Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси сифатида гапираётирман. Лекин сизларга бир сирни айтиб қўяй, мен КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретариман...

Ҳамма қарсак чалиб юборади. Делегация қатнашчилари бу сўзларни қизғин табриклайдилар. Н. С. Хрушчев федерал канцлер Ю. Раабга мурожаат қилиб, такрорлайди:

— Аммо ҳозир ҳукумат бошлиғи сифатида гапираётирман.

Яна қарсаклар бошланади. Н. С. Хрушчев тироллиларга совғалар топширади. Шарқий Тироль вакиллари унга гуллар тақдим қиладилар. Хотинлардан бири Австриянинг миллий тусларини ифодаловчи оқ ва қизил қалампир гулни букет қилиб, федерал канцлер Раабга тақдим қилади.

Энди кимё заводлари ишчиларининг делегациясига навбат келди. Делегация раҳбари Рудольф Халль Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, бундай деди:

— Ҳурматли Бош министр, Сизни кимё заводларининг ишчилари номидан табриклайман. Ер юзидаги ҳамма халқлар сингари Австрия халқи ҳам тинчликка интилаётганлигини Австрия бўйлаб қилаётган саёҳатингиз вақтида ўз кўзингиз билан кўришингизни истар эдим, Ишингизда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

— Раҳмат, — деди Никита Сергеевич. Сизларга ҳам муваффақиятлар тилайман. Аммо, тинчлик учун биргаликда кураш олиб боришимиз лозим. Агар ҳамма халқлар тинчлик учун актив кураш олиб борсалар, биз уруш кучларини енгиб чиқамиз, чунки тинчлик кучлари уруш кучларига нисбатан анча ортиқдир. **(Ҳамма қарсак чалади).**

Кимё заводларининг ишчилари ва Н. С. Хрушчев бир-бирларига совғалар берадилар.

Сўнгра, Филлах шаҳри коммунистлари делегациясининг аъзолари Н. С. Хрушчев олдига келадилар. Улар оқ атир гуллардан ҳамда оқ ва қизил қалампир гуллардан қилинган букетларни кўтариб олганлар.

Делегация бошлиғи ўртоқ Вильгельм Фелльнер бундай деди:

Совет Иттифоқининг Бош министри ўртоқ Хрушчев!

Жаноб федерал канцлер!

Сизни, ўртоқ Бош министр, рафиқангизни ва ҳамма ҳамроҳларингизни Филлах райони коммунистлари номидан ва шаҳримизнинг бутун аҳолиси номидан табриклашга ижозат бергайсиз. Биз Сиз орқали бутун дунёда тинчлик учун курашга бошчилик қилаётган ҳамда тинчлик ишининг ва халқлар ўртасидаги дўстликнинг ғалабасини таъминлайдиган таянч бўлган қаҳрамон совет халқини табриклаймиз.

Шу нарсага қатъий аминмизки, марксизм-ленинизм таълимотига таянниб, ишчилар синфи учун олиб бораётган курашимизда сизлар каби бизлар ҳам ғалаба қозонишимиз турган гап. Сизларнинг улуғ тараққиётингизда Сизнинг ва бутун совет халқининг янада муваффақиятлар қозонишингизни астойдил тилаймиз. Сизларнинг жуда катта етти йиллик планингизнинг бажарилиши бу ерда, Австрияда бизга ҳам, жаҳоннинг ҳамма халқларига ҳам жуда катта мадад ва ёрдам бўлади.

Бу ерда бизни қабул қилганлигингиз учун ҳамма ўртоқлар номидан, ҳамма коммунистлар номидан Сизга ташаккур изҳор қиламан. **(Гулдурос қарсаклар).** Сизни бу ерда табриклашимизга имконият берган Австрия федерал ҳукуматига ҳам ташаккур изҳор қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бу нутқни жуда эътибор бериб тинглаган Н. С. Хрушчев ўзининг жавоб нутқида бундай деди:

— Азиз ўртоқлар!

Коммунистик партиямиз ва биз бажараётган ишлар шаънига айтган табрик сўзларингиз учун сизларга ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Ростини айтсам, ҳозир мен нима гапиришни ҳам билмай қолдим, чунки ёнимда партия билети йўқлигини, уни Москвада қолдирганлигимни, бу ерда эса, фақат дипломатик паспортимгина борлигини айтиб ўтган эдим. **(Шодиёна жонланиш).** Лекин шуни тан олишим керакки, мен коммунистман, Австрияга келмасимдан анча олдин коммунист бўлганман. **(Шодиёна жонланиш, қарсаклар).**

Бизнинг Совет Иттифоқимизда ишларимиз яхши бораётир, азиз ўртоқлар, экономикамиз барқ уриб ривожланмоқда. Марксизм-ленинизм ҳозирги вақтда фақат назариягина эмас, практика ҳам бўлиб қолди. Бир миллиард киши шу таълимот асосида янги турмуш қурмоқда, бу иш албатта ғалаба қилади!

Марксизм-ленинизмнинг улуғ аҳамиятини ва прогрессивлигини кўп кишилар ҳали ҳам тушунмай турибди. Улар буни англаб олишлари учун маълум вақт керак бўлади. Ҳар бир мева ўз вақтида пишади, деган гап бор. Мана бизлар бу революцион таълимотнинг прогрессивлигини тушуниб олганмиз, аммо, бошқалар ҳали буни тушунгани йўқ. Нима ҳам дер эдик, бунинг учун биз уруш қилмаймиз. Таълимотнинг афзаллигини иш билан, практика билан исботлаш керак. Шунинг учун ҳам биз, Совет Иттифоқи коммунизм энг прогрессив тузум эканлигини, у, ер юзида энг яхши турмушни таъминлаб беришини: инсон ҳаёти учун моддий воситалар беришини, инсоннинг маданий эҳтиёжларини қондиришини, фанни ривожлантираётганлигини, санъатни ривожлантираётганлигини, урушлар бўлмайдиган, тинчлик ва қардошлик ҳукмрон бўладиган, инсонга муносиб бўлган турмуш кечирмоқ учун одамларга имконият беришини амалда исбот қиламиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз аминмизки, деб руҳланиб давом қилади Никита Сергеевич Хрушчев, бизнинг ишимиз ғалаба қозонади, лекин бунинг учун ҳар бир халқ марксизм-ленинизмни ўз мамлакатининг шароитини ва бошқа мамлакатларнинг революцион тажрибасини ҳисобга олиб татбиқ қила беради. Бу ишда биз фикрлашиб ва тажриба алмашиниб турамиз, энг яхши тажрибаларнинг ҳаммасини бир-биримиздан ўргана берамиз.

Сизларга, азиз ўртоқлар ва дўстлар, муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилайман. Умумий ишимизнинг манфаатлари учун нимаики тилаш мумкин бўлса, шуларнинг ҳаммасини сизларга тилайман!

(Гулдурос қарсаклар).

Н. С. Хрушчев Филлах коммунистлари билан маҳкам қўл қисиб кўришади. Қарсаклар қайта-қайта янграйди.

Совет ҳукумати бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевни табриклаш учун келган меҳнаткашларнинг делегациялари билан тўлқинли учрашув шу тариқа тугайди.

Филлах шаҳри, 6 июль.

(Телефон орқали олинди).

Н. С. ХРУШЧЕВ Каринтияда

КЛАГЕНФУРТ, 6 июль. Махсус мухбирлардан В. Шумский билан Л. Степанов хабар берадилар: Н. С. Хрушчев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар бугун эрталаб Филлахдан Каринтия пойтахти Клагенфуртга жўнаб кетдилар. Федерал канцлер Ю. Рааб бу сафарда Н. С. Хрушчевга ҳамроҳ бўлмоқда.

Йўл Альп тоғларидаги энг илиқ Вертерзее кўли бўйлаб ўтар эди. Шу кўлнинг атроф-теварагида кўпгина машҳур курортлар жойлашган. Бутун йўл давомида неча минглаб кишилар совет меҳмонини кутиб олиш учун чиқди. Булар орасида кўпгина чет эллик туристлар ҳам бор. Йўл ёқаларида турган кишилар Н. С. Хрушчевни самимий табриклаб, унга оқ йўл тилаб қоладилар.

Клагенфурт аҳолиси Н. С. Хрушчевни зўр самимият билан кутиб олди. Кишилар билан тўлиб-тошган кўчаларда ҳар никала тилда «Хушкелибсиз!», «Тинчлик ва биродарлик!» деган сўзлар ёзилган каттакатта плакатлар кўзга ташланиб турар эди.

Н. С. Хрушчев Клагенфурт шаҳрининг бургомистри Г. Аусервинклер ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда аждар тасвирланган катта ҳайкал ёнига келади. Аждар шу шаҳарнинг эмблемасидир. Ана шу ҳайкал билан шундай бир қадимги афсона боғланган: қадим замонларда халқ қаҳрамонларидан бири жангда ана шу маҳлуқни ўлдириб, ўз халқини ажал хавфидан халос қилган.

Шаҳар бургомистри Н. С. Хрушчевга ана шу афсонавий аждар тасвирланган ҳайкалчани эсдалик учун тақдим этади. Н. С. Хрушчев совға учун ташаккур билдиради.

Шундан кейин кўп ўтмай, Каринтия ҳукуматининг бошлиғи Ф. Ведениг Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИЛАРИ

Барча совет хотин-қизлари сингари Фарғона областининг хотин-қизлари ҳам В. И. Ленин ташкил қилган ва камолга етказган Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳаётида актив қатнашяптилар, ижодий меҳнатлари билан коммунизм қурилишига бебаҳо ҳисса қўшяптилар.

Область хотин-қизлари орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларни жамоат ишларига кенг тортиш, ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш мақсадида саноат корхоналари, муассасалар, колхозлар ва совхозларда 560 хотин-қизлар совети тузилди ва улар қизғин иш олиб бормоқда. Советларнинг самарали ишлаши туфайли хотин-қиз кадрлар танлаш, уларни тарбиялаш ва раҳбарлик вазифаларига кўтариш соҳасида дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилди. Фарғона район хотин-қизлар советининг район партия комитети билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари бунга мисол бўла олади.

Районда кейинги беш ойда 36 хотин-қиз раҳбарлик лавозимига кўтарилди. Булар орасида , район партия ва комсомол комитетларининг секретарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, трактор-далачилик ва пиллачилик бригадаларининг бошлиқлари бўлиб ишлаётган ўртоқлар бор. Район бўйича 17 жойда хотин-қизлар совети тузилди. Ҳамза Ҳакимзода номли, Ленин номли колхозларда тузилган хотин-қизлар советлари (раислари Шерматова, Дадажонова ўртоқлар) партия, совет ташкилотлари билан биргаликда қатор оператив тадбирларни амалга оширдилар.

Актив хотин-қизларнинг район кенгаши бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришда хотин-қизларнинг роли ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Хотин-қизлар советлари раисларининг уч кунлик семинари ўтказилди. Болалар муассасалари мудирлари учун 10 кунлик курс очилди.

Тўрақўрғон районида хотин-қизлардан уч киши қишлоқ совети раиси қилиб сайланди, анчагина хотин-қизлар савдо ташкилотларига, пахтачилик бригадири вазифасига кўтарилди. «Ўзбекистон», «Сталинград» колхозларида хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга жиддий эътибор берила бошлади.

Марғилон районидаги Киров номли фабрикада хотин-қизларнинг оилавий кечалари, кекса коммунистлар, донгдор кишилар билан учрашувлари ўтказиб турилади, хотин-қизларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир темаларда лекция ва докладлар ўтказилмоқда. Натижада хотин-қизларнинг активлиги тобора ортмоқда, корхона ишлаб чиқариш планларини муттасил ошириб бажараётир, коммунистик ахлоқ қоидалари ҳаётга кўпроқ сингиб бораётир.

Фарғона шаҳар партия комитети ва хотин-қизлар совети маълумотли, тажрибали, партия ва ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этишда ташкилотчиликни кўрсата оладиган анчагина хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтарди. Масалан, ўртоқ Ф. Бирюкова шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири, ўртоқ Н. Ким шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари. ўртоқ Алишева қурилиш трестининг бошлиғи вазифасига тавсия этилди ва ҳозир улар ўз участкаларини моҳирлик билан бошқариб бормоқдалар.

Область хотин-қизлари машҳур механик-ҳайдовчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг чақириғига «лаббай» деб жавоб бердилар. Шу кунларда область бўйича 150 га яқин хотин-қиз механизаторлик касбини эгалламоқда.

Областимизда ўзининг ҳалол меҳнати билан бутун мамлакатимизга довруқ солган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Олияхон Султонова, Эргашой Иномова, Тожихон Каримова, Ойшахон Йўлдошева ва бошқа донгдор хотин-қизлардан намуна олиб етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажараётган ажойиб меҳнат новаторлари етишиб чиқмоқда. Марғилон ипак комбинатининг зафарчиси коммунистик меҳнат ударниги Д .Нажмиддинова, Қўқон суперфосфат заводининг мастери Осминникова, Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон» колхозининг сут соғувчиси З. Имомалиева, Олтиариқ районидаги Димитров номли колхоз чўчқабоқари А. Шаповалова сингари етти йиллик шунқорлари бир йилда иккиикки ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажариш учун курашмоқдалар.

Бироқ, хотин-қизларни коммунистик жамиятнинг актив қуруучилари қилиб тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган ишлар шу кунинг талабига тўла жавоб бермайди. Фрунзе, Ўзбекистон, Охунбобоев район партия комитетлари, айрим бошланғич партия ташкилотлари ва хотин-қизлар советлари хотин-қизлар орасида идеология ишларини йўлга қўйишда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қароридан тегишли хулоса чиқариб олганлари йўқ. Хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятига доир темаларда жуда кам лекция ўқилади, савол-жавоб кечалари, ёшлар кечалари ўтказилмайди эскилик қарқитларига қарши муттасил кураш олиб борилмайди. Оқибатда анчагина хотин-қизлар жамоат ишларига тортилмай қолмоқда. Ёш қизларни ўқишдан қолдириб эрга бериш, хотин устига хотин олиш, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш каби ҳодисалар ҳали ҳам учраб туради.

Баъзи партия ташкилотлари хотин-қиз активларни тарбиялашга етарли эътибор бермаётирлар, хотин-қизлардан пропагандист кадрлар тайёрлаш ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Шунисн ачинарлики, область бўйича хотин-қизлардан бирортаси район ижроия комитетининг раиси, совхоз директори ёки область, шаҳар, район газеталарида редактор бўлиб ишлаётгани йўқ.

Халқ маорифи, савдо, медицина, маданият муассасалари системасида жуда кўп хотин-қизлар хизмат қилади. Бироқ, уларнинг фаолиятини ўрганиш, хотин-қиз кадрлар билан ишлаш соҳасида жиддийроқ иш олиб борилмаётир. Шу каби колхоз раҳбар ходимлари орасида хотин-қизлар бармоқ билан санарлидир.

Хотин-қизлар мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини авж олдириш программаси — етти йиллик планни муддатидан илгари бажаришда актив қатнашмоқдалар. Шаҳар ва район партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари хотин-қизлар орасида оммавий ва тарбиявий-ташкилий ишларни яхши йўлга қўйишлари, хотин-қизлар советларининг фаолиятини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлашлари, хотин-қизларга ҳар бир соҳада етарли маданий-маиший шароит яратиб беришлари ва уларнинг ташаббускорлигини оширишлари керак.

С. АБДУНАЗАРОВА,
Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг инструктори.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида «Ўзбекистон ССРда мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қонуннинг Самарқанд областида бажарилишининг бориши ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу масалани республика Олий Советининг халқ маорифи ва маданий-оқартув ишлари бўйича доимий комиссияси муҳокамага қўйган эди.

Қабул қилинган қарорда айтилдики, область меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари халқ маорифини такомиллаштириш юзасидан анча иш қилдилар.

Бироқ, қарорда таъкидлаб кўрсатилганидек, областда халқ маорифини ташкил этиш соҳасидаги кўпгина камчиликлар бартараф этилгани йўқ. Бу камчиликларнинг асосийларидан бири шундан иборатки, ўқувчилар, айниқса ўзбек қизлари ҳали ҳам мактабни ташлаб кетмоқдалар. Область халқ маорифи, соғлиқни сақлаш органлари, касаба союз ташкилотлари ўқувчиларнинг меҳнати ва дам олишини тўғри қўйиб олиб бориш устидан қониқарсиз контроль қилмоқдалар. Кўпгина ўқув юртларининг моддий базаси ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, мактаб ва интернатлар қуридишининг суръати жуда суст, Маъмурий муассасалар сонининг қисқартирилиши натижасида бўшаб қолаётган биноларни мактабларга топшириш иши чўзиб юборилмоқда. Буларнинг ҳаммаси мактабларни бир сменали машғулотларга тўла ўтказишга халақит бермоқда. Савдо ташкилотлари мактаблар ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар.

Мавжуд камчиликлар, дейилади қарорда, Самарқанд область ижроия комитети, шунингдек область меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг кўпгина ижроия комитетлари халқ маорифи ишини чуқур ўрганмаётганликларини, ўзлари қабул қилган қарорларни тегишли ташкилотчилик иши билан мустаҳкамламаётганликларини кўрсатади. Советларнинг ижроия комитетлари халқ маорифининг амалий масалаларини ҳал қилаётганларида кўпинча депутатларга ва кенг активга таянмайдилар. Халқ маорифи бўйича доимий комиссияларнинг кўпчилиги, шу жумладан область Советининг комиссияси иш олиб бормаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва Самарқанд областида халқ маорифини янада такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни белгилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми шу мажлиснинг ўзида Андижон областининг «Совой» совхозида хотин-қизлар ва болаларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш аҳволини текшириш натижаларини муҳокама қилди.

Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда кўрсатилдики, посёлка Совети ва «Совой» совхозининг раҳбарлари хотин-қизлар ва болаларнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш ҳақида яхши ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Бу ерда хотин-қизлар ва болалар консультациялари ташкил этилмаган, болаларнинг ёзги дам олиши қониқарли уюштирилмаган, болалар боғчаларн ва мактаб буфетларини гўштли ва сутли маҳсулотлар, сабзавот билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш учун ҳамма тадбирлар кўрилмаётир; умумий овқатланиш ва савдонинг ташкил этишда жиддий камчиликлар бор, кирхона, маиший хизмат кўрсатиш устаханалари йўқ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Қўрғонтепа район ижроия комитети, посёлка Советининг ижроия комитети ва совхоз дирекцияси зиммасига совхоз аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишини кучайтириш вазифасини юклади. Андижон область ижроия комитетига, республика министрликлари ва бошқармаларига совхозга ёрдам кўрсатиш юзасидан айрим топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз мажлисида «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади. (ЎзТАГ).

УЛКАН ЮРАК ТЎХТОВСИЗ УРСИН

Республикамиз саноатининг улкан юраги бир меёрда уриб турибди. Саноат ишлаб чиқаришига раҳбарликнинг тубдан яхшиланганлиги, янги техника ва илғор технологиянинг муттасил жорий этилиши меҳнат унумини оширди, маҳсулот таннархини камайтирди. Ўзбекистон саноатчилари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планни муддатидан ўн кун илгари адо этдилар, мамлакатга пландан зиёд неча юз миллион сўмлик маҳсулот етказиб бердилар. Айни замонда кооперация тартибига риоя қилиш яхшиланди, қўшни иқтисодий районларнинг буюртмаларини вақтида бажаришга жиддий эътибор берила бошланди. Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи, «Таштекстильмаш», «Ўзбекхиммаш» заводларининг коллективлари қардош республикалар ва чет эл буюртмаларини ўз муддатида сифатли бажариб жўнатмоқдалар.

⊙ Саноат маҳсулотини тўғри, планли равишда тақсимлаш умумиттифоқ аҳамиятига эгадир. У корхоналар, қурилишлар ва транспортнинг бир меёрда ишлашини таъминлайди. ⊙ Бекобод цемент комбинати, Андижон ирригация машинасозлиги, Тошкент транспорт машинасозлиги, «Подъёмник», экскаватор ҳамда «Узбексельмаш» заводларининг раҳбарлари қўшни саноатчиларга белгиланган маҳсулотни вақтида етказиб бермаяптилар. ⊙ Республика Госплани саноат маҳсулоти тақсимотини тўғри планлаштирмаётир.

Кооперациянинг, ўзаро ҳамкорликда ишлашнинг аҳамияти ғоят каттадир. Бир-бирига узвий боғланган корхоналарнинг коллективлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарсалар, бир меёрда ишлаб турсалар меҳнат унумдорлиги янада ошади, етти йилликнинг улуғвор планлари сўзсиз ошириб бажарилади.

Бордию, бирор корхона кооперация тартибини бузса, унда нима бўлади? Қўшни корхонанинг юраги бирдай урмай қўяди, план ва мажбурият бажарилмай, ўша коллективнинг юзи шувит бўлади, планли равишда тузилган график бузилиб, халқ хўжалигига катта зарар етказилади.

Кейинги йилларда, яъни саноат корхоналари қатъий ихтисослаштирилаётган пайтда кооперациянинг аҳамияти тағин ҳам ошди. КПСС XXI съездидан сўнг саноат корхоналари, маъмурий-иқтисодий районлар, республикаларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги ғоят мустаҳкамланди. Партия ва Совет ҳукумати саноатчилар ҳамкорлигига кўп эътибор бердилар. Кооперация тартибини бузган, маҳсулот етказиб беришни иккинчи ўринга қўйган корхона раҳбарларига нисбатан қаттиқ чора кўриш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми қарорининг эълон қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Аммо республикамиздаги баъзи корхоналарнинг раҳбарлари кооперация шартномаларини ҳали ҳам бузмоқдалар. Улар «ўзингни бил, ўзгани йўқ» қабилида иш тутиб, халқ хўжалигига зиён келтирмоқдалар.

Республикада ишлаб чиқарилаётган кўпгина маҳсулот корхоналар, шунингдек қўшни иқтисодий районлар ўртасида нотўғри тақсимланиб, умумий ишга бирмунча зарар келтирилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Бухородаги корхоналардан қарийб 80 таси кооперацияга биноан маҳсулот етказиб бериш планини мутлақо бажаролмаётир. Ўтган 6 ой ичида бу корхоналар кооперация шартномасида белгиланган саноат маҳсулотининг 122 турини ишлаб чиқармадилар. 1960 йилнинг май ойигача 1953 единица технология ускуналари, неча минг тонналаб цемент, турли машина ва ускуналар, кабель, 2593 тонна пахта толаси, қанчадан-қанча ўсимлик ёғи, кунжара ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмади.

Партия ва ҳукуматнинг биринчи галда умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган буюмларни етказиб бериш тўғрисидаги қатъий кўрсатмалари айрим корхоналар раҳбарларининг эътиборидан четда қолиб кетди.

Бекобод цемент комбинати ўтган ойлар мобайнида иттифоқ аҳамиятига эга бўлган корхоналар ҳамда қурилишларга 500 тонна кам цемент юборди. Айни замонда комбинат директори ўртоқ Ополоникнинг саҳийлиги тутиб кетиб, собиқ Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли объектларга пландагидан анча кўп цемент юборди. Тошкентдаги «Подъёмник» заводи республикадаги истеъмолчиларга наряддан ташқари 13 та кранобалкалар берди. Бироқ Қозоғистон, Тожикистон ССР даги маъмурий-иқтисодий районларнинг шу узелларга бўлган талаби мутлақо қондирилмади. Корхона директори ўртоқ Эргашев нарядга қўл қўяётганида давлат қонунига хилоф иш қилаётганлигини унутиб, ошнаоғайнигарчиликни афзал кўрди. Қардош республикалардан келаётган ўнлаб шикоятлар, талабномалар ҳам унинг пинагини бузмади. Ленин район партия комитети эса унга нисбатан бирор чора кўрмаяпти.

Андижон ирригация машинасозлиги заводи — довруғи чиққан корхоналардан. Ҳақиқатан ҳам завод коллективи ойлик ва квартал топшириқларини муддатидан илгари бажариб, планга қўшимча кўплаб машина тайёрламоқда. Аммо корхона раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни мамлакат истеъмолчилари ўртасида тўғри тақсимлаш, ҳаммадан олдин чет эллар ва қўшни республикаларнинг буюртмаларини бажариб бериш ўзларининг олижаноб бурчи эканлигини унутиб қўйдилар.

Буни қаранг. Шу йилнинг биринчи кварталида Ўзбекистон ССР даги турли хўжаликлар «Т-62» маркали дизелдан пландагига кўра 2,5 баравар кўп олганлари ҳолда, Россия Федерациясига 20 процент кам юборилган. Молдавия ССР га эса йил бошидан бери бирорта ҳам дизель жўнатилмаган. «С-245» маркали насосларни тақсимлашда ҳам шундай ҳол рўй берди. Ўзбекистон бундай насослардан 45 тасини олди-ю, Украина ССР, Туркманистон ССР ва СССР Йўллар министрлигига шартномада кўрсатилган насосларнинг ярмиси ҳам тегмади.

Хўш, маҳсулот тақсимотини дуруст йўлга қўйиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун энг аввал саноат корхоналари ва бошқармалар ҳузуридаги тақсимот бўлимлари ишини тубдан қайта қуриш керак. Бу ташкилот раҳбарларининг айби шундаки, улар маҳсулотни тақсимлашда кооперация тартибида шартномага асосан деталь ва узеллар, машина ва ускуналар, турли материаллар етказиб беришда, ҳисобкитоб олиб боришда бундан бир неча йил илгари чиқарилган қўлланмага амал қилмоқдалар. Кўпгина корхоналарнинг директорлари ва тақсимот бўлимининг бошлиқлари 1960 йилда етказиб бериладиган саноат маҳсулоти турлари бўйича алоқадор корхоналар берган нарядларни қараб чиққанлари йўқ.

Транспорт хўжалигининг яхши йўлга қўйилмаганлиги тайёр маҳсулотни вақтида етказиб беришга халақит бермоқда. Корхона раҳбарлари вагон ва контейнерларни оладилар-у, лекин улардан узоқ вақт фойдаланмайдилар.

Маҳсулотни тақсимловчи бўлим ходимлари ишлаб чиқарувчилардан тайёр маҳсулотни қабул қилаётганларида қўпол хатоларга йўл қўймоқдалар. Баъзан тайёр маҳсулот очиқ-чочиқ ҳолда қабул қилинади, омборларда, завод ҳовлиларида ётиб, занглаб кетади. Бундай ҳолни Тошкент трактор-йиғув заводида, «Узбексельмаш», Андижон ирригация машинасозлиги заводларида кўриш мумкин.

Маҳсулотни тақсимловчи бўлим ходимларининг фаолиятсизлиги бирор жойда тилга олинмайди. Саноат корхоналари раҳбарлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг тақдири нима бўлаётганлиги билан кам қизиқмоқдалар. Маҳсулотни тақсимловчи бўлимлар билан бошқармалар ўртасида узвий алоқанинг йўқлиги шундай ёмон оқибатларга олиб келмоқда. Шуни айтиш кифояки, собиқ Тошкент Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналарнинг омборларида нормадан ташқари қарийб 50 миллион сўмлик тайёр маҳсулот тўпланиб қолди. Ҳолбуки, бошқа республикаларда, қўшни корхоналарда шу маҳсулотларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалиги кенгашлари тузилмасдан олдиноқ маъмурий-иқтисодий районлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, саноат ишлаб чиқаришни узвий боғланган ҳолда олиб бориш тўғрисида қатъий кўрсатма берган эдилар.

Республикамиздаги саноат корхоналарининг кооперация тартибига риоя қилишлари давлат аҳамиятига эгадир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик машинасозлигининг кимё ва енгил саноатнинг марказларидан бирига айланди. Бизда ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари, трактор ва компрессорлар, кабель ва газ плиталари, цемент ва арматуралар қардош республикаларнинг етти йиллик қурилишлари учун жуда зарурдир. Қардошлардан олинган заказларни ҳаммадан олдин бажариб бериш Ўзбекистон саноатчиларининг интернационал бурчидир.

Маҳсулотни тўғри тақсимлаш, кооперация тартибига риоя қилишни жамоатчилик ўз назорати остига олиши зарур. Республика Госплани саноат маҳсулотларининг тақсимотини олдиндан тўғри планлаштириши керак. Лекин Госплан бу муҳим масала билан ҳали ҳам жиддий шуғулланаётгани йўқ. Айниқса қардош маъмурий-иқтисодий районларнинг талаб ва эҳтиёжлари дуруст қондирилмаяпти. Маҳсулот тақсимоти билан Госплан ходимлари қизиқмаса, ким қизиқади?

Юқорида биз бир неча фактни айтиб ўтиш билангина чегараландик. Ўз бурчини адо этмаётган, маҳсулот етказиб беришни пайсалга солаётган бундай корхоналар оз эмас. Бу нуқсонларнинг етти йиллик план вазифаларини муддатидан олдин бажаришга халақит бераётганлиги, гигант саноатимиз юрагининг бир меёрда урилишига салбий таъсир кўрсатаётганлигини унутмайлик.

П. КАЛЯКИН,
экономист,
А. АБДУАЗИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

АЛАМИНИ ЗООТЕХНИКДАН ОЛМОҚДА

«Янгиобод» совхозининг сутчилик фермаси атрофи пахса девор билан ўраб олинган. Сигирларнинг ҳолини кўриб кишининг раҳми келади. Бу ерда на ем-хашак ва на сигирлар турадиган салқин жой бор.

— Сигирларни боқиш учун шароит йўқ. Ўтлоқ, яйловимиз йўқ. Бунинг устига молхона совхоз марказидан 40—50 километр узоқда, даштда жойлашган. Вақтида ем-хашак ва сув билан таъминлай олмаймиз, — деди совхознинг бош зоотехниги Борис Морозов. — Сувни 80 километр йўл босиб, Шеробод дарёсидан олиб келамиз. Сигирлар шу чўлда ўтлаб, кун кўради, уч кунда бир марта сув ичади.

«Янгиобод» колхози раҳбарларининг бу муҳим соҳага шундай масъулиятсизлик билан қараётганликлари оқибатида 193 бош сигирнинг ҳар биридан 1250 литр ўрнига атиги 188 литр сут соғиб олинди. 6 ойда сут етиштириш плани 13 процент, давлатга сут сотиш плани эса 10 процент бажарилди.

Совхознинг сутчилик фермаларида сигирларга ҳеч қандай концентрат ёки ширали озуқа берилмайди. Шу туфайли бир-биридан орық сигирлар кунига 1—1,5 литрдан сут беряпти, 16 бош сигир эса нобуд бўлди.

Шеробод районидаги «Янгиобод» совхозининг раҳбарлари сут етиштиришда аҳвол шундай бўлишига қарамай, ем-хашакни кўпроқ ҳозирлашни унутиб қўйишмоқда. 21 гектар ердаги беда ҳалигача бир марта ўриб олинмаган.

Йил бошида ем-хашак тайёрлаш учун махсус бригада тузилган эди. Директор ўртоқ Олимовнинг буйруғи билан бригада аъзолари бошқа ишларга тарқатиб юборилди. Бунинг оқибатида бу йил мўл бўлган табиий ўтлардан пичан тайёрлаш ҳам унутиб юборилди.

Совхозда маккажўхори ва беда экиш топшириғи ҳам амалда бажарилмади деса бўлади. Масалан, 700 гектар ўрнига атиги 100 гектар ерга беда экилди, тўғри беда экиш лозим бўлган майдонларга ҳам маккажўхори экилди, лекин бу маккажўхорилар яроқсиз ерларга экилганидан 210 гектардагиси қорашўр ва қатқалоқдан нобуд бўлди. Қолган майдондаги экинлар қаровсиз ҳолда ўт босиб ётибди.

Совхоз директори Рихси Олимов эса сигирлардан кам сут олинганлиги учун фақат зоотехник жавобгар деб бутун аламини улардан олмоқда. 1960 йилнинг ўтган 6 ойи ичида совхоз бош зоотехниги беш марта ўзгарди. Ҳайитов, Буткевич, Аъзамова каби олий маълумотли мутахассислар вазифасидан четлатилди.

Сут етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш ўрнига бюрократлик билан иш тутаётган ўртоқ Олимов бундай раҳбарлик усули билан қолган молларни ҳам нобуд қилиши мумкин.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Кувасой цементчилари КПСС Марказий Комитети июль Пленумини муносиб тортиқ билан кутиб олаётирлар. Суратдаги азаматлар етти йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилган баҳодирлардандир. Цех мастери Д. Ф. Новолодский (чапда), техника бўлимининг бошлиғи Т. А. Орзиев ва ишлаб чиқариш новатори Р. Тешабоев ўртоқлар реконструкция қилинган технология линиясини кўздан кечирмоқдалар.
В. Сироткин фотоси.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

КЎСАК ҚУРТИ—ҒЎЗАНИНГ ОФАТИ

Мўл пахта ҳосили учун курашда қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш, уларнинг ҳосилга зарар етказишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўсак қурти асосий зараркунандалардан бири бўлиб, ғўзанинг шона ва гулини, кўсагини кемиради, меҳнатимиз мевасини нобуд қилади. Ўтган йили Сурхондарё, Андижон, Самарқанд ва Тошкент областларининг деярли ҳамма районларида бу ҳашарот учради.

Кўсак қурти ғўзадан ташқари жут, каноп, тамаки, маккажўхори, оқжўхори, помидор ва нўхатни ҳам қаттиқ зарарлайди. Бу ҳашарот республикамиз шароитида йилига 3—4 марта урчийди. 1,5 сантиметр катталикдаги қуртнинг ғумбаги ернинг устки қатламида 5 — 10 сантиметр чуқурликда қишлайди. Апрель ойининг биринчи ярмида ғумбакдан капалак чиқиб, бегона ўтларга тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлар бегона ўтлар билан овқатланади, ипак қурти каби 5 ёшни ўтади, 4—5 сантиметргача катталикда бўлади. Сўнгра увот, марза, йўл ёқалари, ариқ бўйлари ва ғўза қатор ораларига, тупроққа кириб ғумбаклайди. У ғумбаклардан май ойининг иккинчи ярмида ва июнь ойининг биринчи ўн кунлигида кўсак қуртининг иккинчи насл капалаги учиб чиқади. Капалаклар энди шоналаётган ғўза, помидор, жўхори ҳамда дуккакли экинларга тухум қўяди.

Шу иккинчи марта қўйилган тухумдан униб чиққан қуртлар ғўзанинг шона, гул, тугунча, кўсагини зарарлайди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, бир дона қурт ўз ҳаётида (тухумдан чиққанидан бошлаб то 5 ёшгача) олтита шона, 5 та гул, 4 та тугунча, 5 та кўсакни кемириб, зарар етказар экан; яъни ўрта ҳисобда бир дона қурт 20 туп ғўза ҳосилига путур етказади.

Кўсак қурти кўпинча икки-уч ёшгача очиқ яшаб, шона ва гул билан овқатланади. 3—5 ёшларида эса тугунча, кўсакларнинг ичига кириб, унинг бўлажак толаларини еб яширин ҳаёт кечиради. Қурт кемириб, тешик ҳосил қилинган тугунча ва кўсакларнинг ичига ҳаво кириб тез чирийди ва ҳосил нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам кўсак қурти очиқ яшайдиган 1—2 ёшларида қириб ташланиши керак.

Чиноз районидаги Киров номли колхозда кейинги уч йил давомида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, агар ғўза қатор оралари комплекс парвариш қилинса, механизмлар билан икки томонлама сифатли ишланиб, ўғитлаш, суғориш, культивация қилиш ишлари ўз вақтида ва бир-бирига боғлаб олиб борилса, шунингдек, қатор оралари бегона ўтлардан тоза бўлса ҳамда увотдаги ўтларни ҳар ойда бир марта дорилаб турилса, ҳашаротнинг урчишига ҳеч қандай шароит қолмайди.

Кўсак қуртининг капалаги кечаси учиб юради, тунда ўзини чироққа ёки оловга уради. Капалакнинг бу одатидан фойдаланиб Чироқчи, Яккабоғ, Уйчи ва Андижон районларида далаларда кичик-кичик гулхан ёқилади. Капалаклар келиб ўзини ўтга уриши билан нобуд бўлади. Бу чора-тадбирларни назар-писанд қилмаслик нотўғридир. Чунки бир дона капалак 700 дан то 3 мингтагача тухум қўйиши мумкин. Битта капалакни ўлдириш билан 700 дан 3 мингтагача кўсак қуртини йўқотган бўламиз ёки 14 мингдан 60 мингдонагача шона, гул, тугунча ва кўсакни сақлаб қолган бўламиз.

Ғўзанинг ўсиш нуқтаси ва юқори қисмидаги ҳосил шохларини, шона ва гулларини ҳаммавақт кузатиб бориш керак. Айрим кичик участкаларда кўсак қурти пайдо бўлгани сезилса, унинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун дори сепиш, бунинг учун қўл аппаратлардан фойдаланиш керак. Ғўза кўсак қуртига қарши дориланганда, бир гектар ерга 10—12 килограмм арсинад кальций чанглатилса кифоя қилади.

Кўсак қурти катта пайкалларда пайдо бўлиши биланоқ трактор ва самолёт ёрдами билан ҳар гектар ерга 8—10 килограмм ҳисобидан арсинад кальций дориси чанглатилса, яхши натижа беради. Ҳар гектар ерга 15—20 килограммдан гексохлоран чанглатилса ҳам яхши эффект беради. Дорилангач, орадан 4 — 5 кун ўтказиб, экинни текшириш керак. Агарда қуртларнинг борлиги сезилса, такрор дорилаш лозим.

Ўтказилган тажрибалар ўрта ва катта ёшдаги қуртга қарши курашда заҳарли емдан фойдаланилса, қуртлар тезроқ қирилишини кўрсатди. Заҳарли емни тайёрлаш учун 10 килограмм кунжара унига 600 грамм арсинад кальций аралаштирилади. 30 процентли ДДТ доривори аралаштирилиб тайёрланган заҳарли ем ҳам кўсак қуртини қириб ташлашда яхши натижа беради. Заҳарли емдан фойдаланганда, 1 гектар ерга трактор аппаратида 60 килограмм, самолёт билан эса 50 килограмм дори сарф қилинади. Кўсак қурти кўпинча ғўза тупининг юқори ва ўрта қисмидаги шохларида бўлади, ташланган заҳарли ем шуларнинг устига тушиши керак.

Кўсак қуртига қарши курашганда пахтазор атрофидаги ҳар хил экинларни ҳам бир маҳалда дорилаш зарур. Агар шундай қилинмаса, капалак бошқа жойдан учиб ўтиб, ғўзага тухум қўйиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган заҳарли дорилар ҳайвонот ва паррандалар учун ҳам хавфлидир. Шунинг учун ғўзани ва бошқа экинларни дорилаш олдидан шу атрофда яшовчи кишиларни огоҳлантириб қўйиш даркор. Улар қорамол, қўй ва эчкиларини увотга боғламасинлар, уй паррандаларининг заҳарли ем ташланган жойларда донлашига йўл қўйилмасин.

С. ҚАЮМОВ,
Биология фанлари кандидати.

ЯХШИ!

⊙ Қўрғонтепа районидаги Янгиқўрпа пахта тайёрлаш пункти бу йил 15 минг тонна «оқ олтин» қабул қилади. Пунктда янги ҳосилни қабул қилишга тайёргарлик кучайтирилди. Ҳамма айвон, иккита автотарози ва 10 та транспортер ремонтдан чиқарилди.
М. Мамажонов.

⊙ Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз далаларида 52 та «Универсал» ва «ДТ-24» маркали трактор ишламоқда. Механизаторлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг натижалари якунланиб, илғорлар рағбатлантириб турилади. Яқинда 15 кун ичида 200—225 гектардан ердаги ғўзани сифатли культивация қилган механизаторлар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланди.
Н. Норбўтаев.

⊙ Тахтакўпир районидаги Ленин номли колхозда яшовчи қариялар ташаббуси билан баҳорда даштга сув чиқарилиб, 15 гектар ер боғ қилинган эди. Боғдаги турли мева дарахтлари яхши ўсмоқда. Дашт дам оладиган хушманзара жойга айланяпти.
Т. Чўлиев.

⊙ Жиззах районидаги 19-сон «Социализм» мактабининг ўқувчилари Сталин номли колхоздан 30 гектар ер ажратиб олиб, пахта етиштиришмоқда. Ўқувчилар бригадасида ғўзалар яхши ривожланиб, тенис гулга кирди. Бригада гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришни кўзлаяпти.
И. Донишев.

Йириклашган бригада

ТЎРТКЎЛ. «Қизил Ўзбекистон» колхози правленияси ва бошланғич партия ташкилоти етиштириладиган пахта таннархини янада арзонлатиш мақсадида далачилик бригадаларини йириклаштирди. Бу эса ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказиш, айниқса бир йўла катта майдонлардаги ғўзани сифатли суғориш имконини бермоқда.

Йириклаштирилган бригадалардан бирига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қозоқ Жуманазаров бошчилик қилаётир. 240 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни сифатли бажараётирлар.

Ш. ҲУСНБОЕВ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

НАМАНГАН. Райондаги Ленин номли колхоз правленияси колхоз қишлоғини ободон қилишга катта эътибор бермоқда. Ўтган йили қурилишга 3 миллион 950 сўм ажратилиб, 800 ўринли клуб, 5 та дала шийпони, янги чойхона каби кўпгина маданий-маиший бинолар қурилган эди.

Бу йил бўлинмас фонддан қурилишга 4 миллион сўм сарфланади. Йил бошидан бери ана шу маблағ ҳисобига пилорама, электр станция ва колхоз марказида янги чойхона қурилиб, ишга туширилди.

И. ЭГАМОВ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ЮРАГИ ЎЙНАГАНИ ҚОЛДИ“

Тошкент область Ўрта Чирчиқ район Тўйтепа сельпосига қарашли 1-магазин мудири Аслиев, район матлубот союзи раиси Миразимовнинг пинжига кириб олиб давлат мулкини ўз уйида сақлагани, молларга ўзича нарх қўйиб аста-секин сотавергани, райондаги умумий овқатланиш жойларида ҳам жиддий камчиликлар юз бераётгани «Наштар» рубрикаси остида берилган шу сарлавҳали мақолада танқид қилинган эди.

Ўзбекистон КП Ўрта Чирчиқ район комитетининг секретари ўртоқ Т. Ортиқхўжаев газета танқиди тўғрисида редакцияга қуйидагиларни хабар қилади:

«Юраги ўйнагани қолди» сарлавҳали мақолада келтирилган фактлар юзасидан текшириш ўтказилди. Материалда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Текшириш натижаси район партия комитетининг 25 июнда бўлиб ўтган бюро мажлисида муҳокама қилинди.

1-сон магазин мудирининг ножўя ишларига эътибор бермагани, давлат мулкининг сақланишига, жамоат овқатланиш жойларининг ишига назорат қилмагани учун район матлубот союзи раиси ўртоқ Миразимовга виговор эълон қилинди. Тўйтепа сельпо раиси Ҳамзаеванинг масаласини кўриб чиқиш район матлубот союзи правлениесига топширилди. Жамоат овқатланиш жойларининг ишини яхшилашга қаратилган чоралар белгиланди.

Самарқанд области. Иштихон районидаги «8-март» колхози меҳнат кунига ҳар ойда пул тўлашга ўтди. СУРАТДА: универсалчи САИДМУРОД ҚУДРАТОВ (чапда) кассир ШАРИФ НОДИРОВДАН маошини олмоқда. Ўртоқ Қудратов бир ойда 1225 сўм ишлади.
А. КУЗЬМЕНКО фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАЪМУРИЙ БИНО — ИНТЕРНАТ-МАКТАБГА

Избоскан районида яна бир интернат-мактаб очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Унга собиқ Москва районининг маъмурий бинолари берилди. Шу кунларда биноларни мослаштириш ва ремонт ишлари тугалланаётир.

Л. МАҲМУДОВ.

Ғўзалар чанқоқ

— Куюкмозор сув омборида ҳам, Зарафшон дарёсида ҳам сув сероб. Сув қанча талаб қилинса шунча бор, — деди Қоракўл райони суғориш системасининг бошлиғи ўртоқ П. А. Костинко.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Райондаги Сарибозор, Таҳқир, Уйғур, Гурдўш каналларида сув тўлиб оқаётир. Қайси колхозга борманг, ариқлар ва суғориш шохобчаларини сувга тўла эканлигини кўрасиз. Сув шундай серобу, лекин ундан фойдаланиш ёмон. Кўпчилик колхозларда ғўзани кечаю-кундуз суғориш ташкил этилмаган. Кечалари сув эгасиз қолдирилиб, қаерга тўғри келса ўша жойга оқизилаверади. Баъзи йўлларни ва чуқурларни сув босиб кетган.

Жумабозор қишлоқ советидаги «Ленин йўли» колхозида кейинги беш кунда берилган сувдан фақат 60 процент фойдаланилган. Колхозда ҳозиргача биринчи суғориш тамомланган эмас. Салкам 200 гектар ҳеч суғорилмаган ғўза бор. «Шарқ юлдузи», Карл Маркс номли, Ленин номли, Киров номли колхозларда ҳам аҳвол шундай. Катта канал бошидаги Ленин номли колхоз (раиси Абдуқодиров, гидротехниги Бобожонов ўртоқлар) сувдан 70—75 процент фойдаланмоқда. Кўпчилик колхозларда сувдан ана шундай нотўғри фойдаланиш устига суғоришнинг сифатига ҳам етарли эътибор берилмаётир. «Қизил Ўзбекистон», «Ленинград», «Коммунизм», «Москва» колхозларида суғориш қоидасининг бузилишига доир фактларни айниқса кўпроқ учратиш мумкин.

«Қизил Ўзбекистон» колхозида суғорилган участкалар вақтида юмшатилмаётир. Колхознинг Очил Рўзиев бошлиқ бригадасида 7 гектар ер тобидан ўтказилиб «культивация» қилинган. Натижада қатор ораларида катта-катта кесаклар кўчиб қолган. Ғўзанинг томирлари зарарланган. Яна шу бригаданинг иккинчи бир картаси устма-уст суғорилиб, ғўзани бегона ўтлар босиб кетган. Районда юқори ҳосилли ҳисобланган ва илғор деб мақталган Зиёрат қишлоқ советидаги «Москва» колхозида ғўзани ёппасига бостириб суғориш авж олдирилган. Э. Қиличов, Б. Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ер суғоришга мутлақо сифатсиз тайёрланган. Суғориш эгатлари жуда саёз. Ўқ ариқлар ернинг шароитига, сувнинг оқишига қараб олинмаган, карталарнинг баланд жойларига сув чиқмай, паст жойлари кўллаб қолган. Бу ҳол ғўзанинг нормал ривожланишига ёмон таъсир этган.

Биз колхознинг Холиқ Зиёев бошлиқ бешинчи бригадаси даласида қизиқ фактни учратдик. Катта картанинг бир бошидан сув қўйилган. Сувчи Мўмин Ҳамдамов эса уйига кетиб қолган. Сув истаган томонга оққан.

Колхоз правленияси бригадаларни сувчилар билан етарли таъминламаган. Кечаси суғориш устидан назорат ўрнатилмаган. Сувчиларнинг кўпи суғориш қоидасини яхши билмайди.

Бухоро областининг энг йирик ва 20 минг гектар пахта майдонига эга бўлган Қоракўл райони шу кунларда Куюкмозор сув омбори ва Зарафшон дарёсидан 34—35 кубо сув олаётир. Бу сув билан суткасига камида 1850—1900 гектар ердаги ғўзани суғориш мумкин. Лекин амалда бирор кун ҳам суғориш нормаси бажарилмаётир. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: Саратонда қондириб суғорилмаган ғўзанинг тақдири нима бўлади?

Ш. АМИНОВ, О. АХАТОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг Қоракўл районидаги мухбирлар пости аъзолари.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ТИНЧЛИК САФАРИ

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ АВСТРИЯГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Чехословакияда чиқадиган газеталар Н. С. Хрушчевнинг Австрияда сўзлаган нутқларини тўла равишда ёки шу нутқларнинг батафсил баёнини босиб чиқармоқдалар. «Фашизм даҳшатларининг такрорланишига йўл қўймаслик керак, деб таъкидлайди «Руде право» газетаси Н. С. Хрушчевнинг Маутхаузенда сўзлаган нутқининг сарлавҳасида, — тинчликда яшаб, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамламоқ зарур». «Биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, урушнинг йўлини тўсайлик», — деб ёзади «Млада фронта» газетаси.

Венгрия матбуоти Австрия аҳолиси Н. С. Хрушчевни самимий, дўстона кутиб олаётганлигини таъкидлаб ўтмоқда. Хрушчевнинг Австрия бўйлаб қилаётган сафарининг дастлабки кунлари, деб ёзади «Мадьяр немзет» газетаси, Австрия халқи Совет ҳукумати бошлиғини ўз мамлакатини озод қилишда жуда катта роль ўйнаган буюк давлатнинг раҳбари сифатида ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олаётганлигидан далолат бериб турибди.

«Нейс Дейчланд» газетасининг Венадаги мухбирининг хабарида СССР Министрлар Совети Раисининг визитига «Н. С. Хрушчевнинг яна муваффақият билан ўтаётган тинчлик сафари» деб баҳо берилади.

Лондонда ва вилоятларда чиқадиган инглиз газеталари Н. С. Хрушчев гитлерчиларнинг Маутхаузендаги собиқ қамоқ лагерини бориб кўрганлиги ҳақидаги хабарларни босиб чиқарганлар. «Гардиан» газетасида босилиб чиққан хабарда Н. С. Хрушчев Маутхаузенда фашист жаллодлар томонидан азоблаб ўлдирилган совет гражданлари хотираси учун ўрнатилган ҳайкал ёнига гулчамбарлар қўяётганида австриялардан неча минглаб киши Совет ҳукумати бошлиғини гулдурос қарсаклар билан табриклаганлиги таъкидлаб ўтилади. Бир қанча газеталар, шу жумладан «Таймс», «Гардиан», «Йоркшир пост» газеталари Н. С. Хрушчевнинг Маутхаузенда сўзлаган нутқи ҳақидаги ҳисоботларни бўрттириб берганлар. «Гардиан» газетасида босилиб чиққан хабарда Н. С. Хрушчевнинг Ғарбий Германияда фашизмнинг бунёдга келиши натижасида бутун дунёни ғам-ташвишга солиши мумкин бўладиган хавф-хатарларнинг олдини олиш кераклиги ҳақида айтган сўзлари бўрттириб кўрсатилади.

Афина матбуоти Н. С. Хрушчевнинг Австрияга қилган сафарига катта эътибор бермоқда. Обзорчилар Совет ҳукумати бошлиғининг Австрияда қилган баёнотларида кескинликнинг манбаи бўлган низоли проблемаларни тинч йўл билан ҳал қилишга ва бу билан халқларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлашга интилишини уқтириб кўрсатмоқдалар. «Катимерини» газетаси Хрушчев қуролсизланиш тўғрисида Ғарб билан тузиладиган шартномани дарҳол имзолашга тайёр эканлигини яна айтди, деб ёзади. «Авги» газетаси ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси имзолашнинг вақти келганлигини уқтириб ўтади. Газета Н. С. Хрушчевнинг иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларига хотима бериш зарурлиги ҳақидаги сўзларини бўрттириб кўрсатмоқда.

ЖИДДИЙ КЎРИК

Тошкентда республикамиздаги кекса театрлардан бири — Охунбобоев номидаги Андижон ўзбек музикали драма театри гастроллари бошланди.

Атоқли шоир, драматург, композитор Ҳамза Ҳакимзода томонидан асосланган театримиз ўзининг 40 йиллик фаолияти давомида 200 дан ортиқ саҳна асарларини томошабинларга кўрсатди.

Биз Тошкентга биринчи марта гастролга келаётганимиз йўқ. Коллективимиз ўз спектаклларини пойтахт томошабинларига бир неча марта намойиш қилган. Бу гал биз уларга янги пьесаларни кўрсатамиз.

Ўз гастролларимизни бошлар эканмиз, театримиз ишини ғоявий-ижодий жиҳатдан такомиллаштиришда пойтахт талабчан томошабинларининг фойдали маслаҳат ва кўрсатмаларини оламиз, деган умиддамиз.

С. РАҲИМОВ,
театр директори.

С. ИСМАГИЛОВ,
бош режиссёр.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

БИБЛИОГРАФИЯ ЎРНИДА

<>

Ўзбекистон Давлат нашриёти тарих фанлари кандидати Т. Эрназаровнинг «Туркистонда вақтли матбуот» (1870—1924 йиллар) асарини нашр этди. Шу даврғача бу муҳим ва актуал темада ўқувчиларнинг талабини қаноатлантирадиган биронта асар нашр қилинмаган эди. Ўртоқ Эрназаровнинг мазкур китоби матбуот тарихи, айниқса большевистик матбуот тарихини ёритишдаги дастлабки уринишлардандир. Афсуски, ана шу муҳим темада ёзилган китобда хато ва янглишликларга, фикрни баён этишда бир қатор чалкашликларга йўл қўйилган. Биз бу мақолада ана шу камчиликлардан баъзи бирлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Аввало шуни айтиш керакки, автор китобда жадидлар масаласига нотўғри ёндошади.

Ўртоқ Эрназаров асарида жадидларни 1905—1907 йилларда икки гуруҳга бўлади, унинг бир гуруҳини илғор идеяларни тарқатувчи, ишчилар ва умуман меҳнаткашларнинг манфаатини кўзловчи шахслар сифатида талқин этади. Бу ҳақда автор «шуни эътироф этиш керакки, 1905—1906 йиллар мобайнида жадидлар орасида тараққийпарвар кишилар ҳам етишиб чиқа бошлади» дейди. Ўртоқ Эрназаров бу фикрни изчиллик билан давом эттириб, «Тараққи» газетаси демократик ғояларни илгари сурди, газета саҳифаларида чор ҳукуматини ва унинг миллатчиликдан иборат сиёсатини қоралайдиган, руҳонийларнинг очкўзлиги; бойларнинг фуқаро ва ишчиларни талаш ва эзишларини фош қилувчи мақолаларни босиб чиқарди (67-бет), дейди.

Автор жадидларни икки гуруҳга бўлади-ю, лекин бу гуруҳларда кимлар бўлгани, уларнинг бошлиқлари кимлардан иборат эканлиги ҳақида лом-лим демайди. Халқни ўз томонига ағдариш учун «Тараққи» газетасида ёзилган баъзи бир сўзларга суяниб, мана шундай умум хулосалар чиқариш бутунлай хатодир. Жадидлар ҳақиқатда, бу даврда икки гуруҳга бўлинмасдан уларнинг ҳаммаси очиқдан-очиқ реакцион роль ўйнаганлар, ҳаттоки, халқнинг 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатини бостиришда чор ҳокимиятига ёрдам берганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, жадидлар биринчи рус революциясига қадар савдо-саноат капитализмини ривожлантириш, қолоқ феодал тузумга нисбатан капитализм тараққийпарвари бўлиб, маълум прогрессив ролни ўйнаган бўлса, биринчи рус революцияси даврида жадидлар ўзларининг реакцион кишилар эканлигини очиқдан-очиқ кўрсатдилар ва илғор революцион таълимотнинг маҳаллий халқ ўртасида тарқалишига қарши ва халқнинг озодлик ҳаракатига қарши курашдилар ҳамда ўз газеталарида пантуркистик ғояларни тарғиб қилдилар.

Автор асарида, баъзи манбалардан жадидлар ва уларнинг органи бўлган «Тараққи» газетаси тўғрисидаги хато фикрларни кўчириб, шу хатоларни янада чуқурлаштиради.

Шунингдек, китобда чор ҳокимияти ва унинг Туркистон генерал губернаторининг мустамлакачилик сиёсатини тарқатиш ва амалга ошириш мақсадида нашр этилган «Туркистон Вилояти газетаси»ни прогрессив газета ва унинг редактори миссионер Н. Остроумовни прогрессив киши сифатида талқин қилади. Ҳақиқатда эса, Остроумов, ҳатто маҳаллий халқ ўртасида буржуазия маданиятининг тарқалишига, буржуазия органларининг нашр этилишига ҳам қарши курашган энг реакцион шахслардан биридир. Бунга тарих фактлари яққол гувоҳлик бериб турибди.

Яна автор китобда, реакция йилларида Туркистон большевиклари фақат прокламациялар, варақаларгина эмас, балки газета, журналлар нашр этишга ҳам киришдилар. Масалан, 1908 йилда «Закаспийское обозрение», «Асхобод», «Средняя Азия», «Среднеазиатский понедельник» деган газета ва журналларни нашр этди» деб навбатдаги хатога йўл қўяди. (76-бет).

Аслида эса большевиклар бу газета ва журналларнинг бирортасини ҳам нашр қилмаганлар ва уларнинг бирортаси ҳам большевикларнинг органи бўлган эмас. Улар леберал буржуазиянинг газета, журналлари эди. Умумий реакция йилларида Туркистон социал-демократлари ҳеч қандай легал ва нолегал газеталар нашр қилолган эмас.

Ўртоқ Эрназаров реакция йилларида Туркистонда «Пролетарий» газетасининг тарқалиши ҳақида қуйидагиларни баён қилади: «Шундан кейин РСДРП Марказий Комитети ва «Пролетарий» газетаси билан Туркистон социал-демократлари ташкилоти ўртасида алоқа янада кучайди». Автор бу фикрни исботлаш учун биринчи рус революцияси кунларида Тошкент социал-демократлари группасининг «Пролетарий» газетасига ёзган хатини реакция даврига оид хат сифатида бузиб кўрсатади. Реакция йилларида Туркистон социал-демократларининг РСДРП Марказий Комитети ва большевикларнинг органи «Пролетарий» газетаси билан алоқаси янада кучайган эмас, аксинча, бор бўлган алоқалар узилган эди. Туркистондаги социал-демократик ташкилотлар реакция йилларида тугатилди, революцион, социал-демократ— большевиклар сургун қилинди, қолган бир неча социал-демократлар, ҳаттоки бир-бирлари билан боғлана олмай, 3—5 киши бўлишиб, оғир шароитда иш олиб бордилар.

Ўртоқ Эрназаров китобнинг катта қисмини турли асарлардан кўчиради-ю, негадир, манбаларини кўрсатишни ўзига эп кўрмайди. Бизнингча, манбаларнинг аслини яшириш юқоридаги каби қўпол хатоларнинг туғилишига сабаб бўлган.

Асарда большевиклар ва меньшевикларнинг кураши кўрсатилмаган. Ваҳоланки, китобда бу муҳим масаланинг батафсил ёритилишига алоҳида эътибор берилиши лозим эди.

Асарда юқорида тилга олинган масалалардан ташқари шоир Фурқатнинг дунёқараши ҳақида ва даврлаштиришда ҳам янглишликлар кўзга ташланади.

Автор ва нашриёт бу эътирозларга эътибор қилишлари керак.

Э. МАВЛОНИЙ,
доцент.

АЛБАНЛАРГА ТУҲФА

Тиранада Искандарбек номидаги майдонда, илгариги «Эски бозор» районида Маданият саройининг ҳашаматли биноси қурила бошланди. Бу сарой совет халқининг албан халқига қардошлик совғасидир. Маданият саройи совет ва албан архитекторлари томонидан биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилмоқда. Маданият саройининг ҳашаматли биносида 800 ўринли опера ва балет театри, виставка ва лекция заллари, 250 киши сиғадиган томоша зали бўлган клуб, бир ярим миллионга яқин китоб фондига эга бўлган кутубхон, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари учун хоналар, 300 ўринли ёзги кинотеатр ва бошқа хоналар бўлади.

Маданият саройининг узунлиги юз метр ва баландлиги қарийб 20 метр бўлган бош фасади албан халқининг миллий маданиятини тасвирлайдиган нақшлар билан безатилади. Маданият саройи қурилишида мукаммал қурилиш техникаси—кучли экскаваторлар, бульдозерлар, кранлар, транспортёрлар ва бошқа механизмлардан кенг фойдаланилмоқда.

Орадан кўп ўтмай бир қаватли кулбалар ва тор кўчалар ўрнида Албаниянинг пойтахти — Тирана шаҳрининг марказида мангу ва бузилмас Совет-Албания дўстлигининг символи бўлган Маданият саройининг ҳашаматли биноси қад кўтариб туради.

Н. ФИЛАТОВ.
ТАСС мухбири.
Тирана.

ФУТБОЛ БУЙИЧА ЕВРОПА КУБОГИ УЧУН

ПАРИЖ, 7 июль. (ТАСС). Кеча Париж ва Марселда футбол бўйича Европа кубоги учун ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Марселда Совет Иттифоқи ва Чехословакия футболчилари учрашдилар. Бу учрашувда СССР командаси 3:0 ҳисоби билан ғалабага эришди.

Парижда майдон эгалари Югославия футболчилари билан учрашдилар. Франция ва Югославия терма командаларининг бу ўйини меҳмонларнинг ғалабаси (5:4) билан тугади.

ҚИРҚ ЙИГИТ-ҚИЗ КОЛХОЗГА КИРДИ

Наманган районидаги «Ленинград» колхози аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб, бунда кўпгина қўшни қишлоқларнинг аҳолиси ҳам қатнашди. Йиғилишда қизиқ масала муҳокама қилинди: бу ердаги ўрта мактабни тамомлаган йигит ва қизлардан бирданига 40 киши колхозга аъзо бўлиб кирди.

Аслида мактаб ўқувчилари кўпдан бери колхознинг тўла ҳуқуқли аъзолари бўлиб ҳисобланар эдилар. Ўқувчилар томонидан ташкил қилинган ферма, механизаторлар звеноси, далачилик бригадаси колхоз бухгалтериясининг баланс ҳисоботларида кўп марта тилга олинган. Ўтган йили ҳар гектардан 45 центнердан аъло сифатли пахта етиштирганлар ҳам ана шу ўқувчилар эди. Улар етиштирган мева ва полиз экинларининг ҳосили эса район бозорида бир зумда сотиб бўлинарди.

Ёш колхозчилар яна нималарни таклиф қилишлари ҳаммани қизиқтирар эди. Уларнинг келажак учун анчагина яхши режалари бор экан. Мактаб пахтачилик бригадасининг бошлиғи А. Асқаров, сут соғувчилар звеносининг бошлиғи К.Тўрабоева бу ерда тўпланганларга мурожаат қилиб, ўз группаларини мустақил единицалар сифатида сақлаб қолишни илтимос қилдилар. «Меҳнат соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эришиш мажбуриятини оламиз», дедилар улар. Ёш асаларичилар бу йил бир неча янги асалари хўжалиги ташкил қилишга, ёш боғбонлар эса, янги мевазорлар барпо этишга сўз бердилар. Бадиий ҳаваскорлар эса, ўзларининг сайёр концерт группасини ташкил қилишга қарор бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари мактаб ўқувчиларининг колхозга қабул қилиниши учун якдиллик билан овоз бердилар.

Бу йил Наманган районидаги мактабларни тамомлаб чиққан 400 йигит ва қизлардан 300 дан кўпроқ киши ихтиёрий равишда колхозларга аъзо бўлиб кирдилар. Бу ерда улар ўзларининг далачилик, чорвачилик ва ихтисослаштирилган бошқа колхоз бригадаларини ташкил қилдилар.

ФАРҲОД АББОСНИНГ ЖАЗОИР ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

ПАРИЖ, 6 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Тунисдан хабар беришича, Жазоир республикаси муваққат ҳукуматининг бошлиғи Фарҳод Аббос Жазоир халқига қарата хитобнома чиқарган. Бу хитобномада таъкидлайдики, Мелендаги дастлабки музокараларда француз томонининг тутган позицияси муносабати билан муваққат ҳукумат ўз делегациясини Францияга юборишдан воз кечишга мажбур бўлди. Бошқа ҳар қандай қарор, деди у, халқимизнинг шон-шавкати ва қурбонларига тўғри келмас эди. Бошқа хил қарор куч ва буйруқбозлик сиёсатини рағбатлантиришга хизмат қилган бўлур эди.

Меленда, деб давом этди Фарҳод Аббос, бизнинг эмиссарларимиз француз томонининг чинакам музокара олиб боришдан қатъиян бош тортишига дуч келди. Франция ҳукумати бизга шу қадар тор, чекланган ва таҳқирловчи шартларни қабул қилдирмоқчики, бундай ҳолда ҳар қандай эркин музокаралар хом ҳаёлга айланиб кетади. Франция ҳукумати ҳатто музокараларда ҳам ўзини мустамлакачи ҳукумат тарзида тутмоқчи бўлди.

Фарҳод Аббос «Франция ҳукуматининг кўпчилик олдида қилган баёнотлари билан унинг чинакам сиёсати ўртасида тафовут борлигини» таъкидлаб, бундай деди: «Франция ҳукумати музокараларни ҳайриҳоҳлик билан олиб бормоқчими? Бунга шубҳа қилса бўлади. Бизнинг музокаралар жараёнида масалаларни мослаштиришга эришмоқ учун тайёрлигимизни душман томон заифлик деб тушунмоқда. Лекин у янглишади. Ҳозир, бутун Африка озод бўлаётган, ҳамма мустамлакаларда мустамлакачилик таслим бўлаётган ва бутун дунёда озодлик кучлари мустаҳкамланаётган пайтда, — Жазоир халқининг озодликка интилишини бўғиб қўйиш мумкин эмас».

Сўнгра Жазоир муваққат ҳукуматининг бошлиғи Франциянинг ўзида тинчлик кучлари ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётганлигини айтди. «Эртами ёки кечми, — деди у, Франция ҳукуматига чинакам музокаралар олиб боришга тўғри келади. Меленда бўлиб ўтган воқеа биз хушёрликни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ сақлашимиз лозимлигини кўрсатмоқда. Уруш ҳали узоқ давом этиши мумкин. Музокаралар бўлишига ҳаракат қилиб ва тинчлик ўрнатилиши учун ҳамма имкониятларни таъминлаб, биз шу билан бир вақтда ўз кураш воситаларимизни ва армиямизни мустаҳкамлашимиз керак. Мустақиллик ўз-ўзидан келмайди — уни тортиб олиш лозим. Жазоир халқи фақат кураш туфайлигина ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлишга эришди. Фақат кураш ҳамда халқимиз ва унинг шавкатли армияси кўрсатган қаҳрамонлик туфайлигина Меленда Франция ҳукуматининг вакиллари билан расмий суратда дастлабки учрашиш мумкин бўлди.

Франция армияси бизга қарши қирғинчилик уруши олиб бораётган, душман турли найранглар йўли билан жаҳон жамоатчилиги фикрини алдашга уринаётган бир пайтда биз бутун кучларимизни сафарбар этишимиз ва бирликка чақиришимиз лозим. Яшасин Жазоир республикаси! Яшасин озод ва мустақил **Жазоир!»**.

КИСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

ТОКИО, 6 июль. (ТАСС). Киси ҳукумати бугун япон халқининг 4,15 ва 22 июнда Япония-Америка «хавфсизлик шартномаси»га қарши митингларда ва намойишларда қатнашганлиги учун 12.400 почта ходимининг жазоланишини эълон қилди. Ҳукумат асосий зарбани умумяпон почта ходимлари касаба союзи раҳбарлигига қаратиб, бу касаба союз марказий комитетининг ҳамма аъзоларини 6 ойгача муддат билан ишдан бўшатди. Касаба союз оддий аъзолари орасидан кўп кишининг иш ҳақи камайтирилди, улар жиддий огоҳлантирилди.

Ниигата, Акита ва Мориокадаги давлат темир йўлларининг маъмурияти ҳам жазо чоралари кўражаги ҳақида хабар қилди.

Ҳукуматнинг ана шу жазо чоралари муносабати билан умумяпония почта ходимлари касаба союзи қонунга хилоф жазо чораларига қарши баёнот чиқарди. Баёнотда айтиладики, Япония—Америка ҳарбий иттифоқига қарши ҳаракатда бутун япон халқи билан биргаликда қатнашган почта ходимларининг кураши адолатли кураш эди, чунки улар тинчликни ҳимоя қилиш учун, Киси ҳукумати оёқости қилган демократияни ҳимоя қилиш учун курашган эдилар. Биз, дейилади баёнотда, мамлакатимизда социалистик жамият қурилиши учун, «хавфсизлик шартномаси»га қарши, Киси ҳукуматининг дарҳол истеъфо бериши учун ва унинг тарафдорларига қарши охиригача кураш олиб борамиз.

АҚШДА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЎСИШИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Сенатнинг болалар жиноятчилиги масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссиясининг маълумотларига қараганда, 1958 йилда Америка Қўшма Штатларида икки миллион кишига яқин вояга етмаган болалар қамоққа олинган. Кичик комиссиянинг докладида шу нарса кўрсатиб ўтиладики, болалар томонидан қилинган жиноий ишларнинг 25 проценти шу қадар жиддий жиноятларки, бу ишлар судда қараб чиқилиши лозим.

ДУНЁНИНГ ҲАР ЁҒИДАН

⊙ Бухарестда бўлган Вахтангов номли давлат академик театрининг коллективи Румыния пойтахтининг аҳолисига Арбузовнинг «Иркутск қиссаси» спектаклини ва А. С. Пушкиннинг «Кичик трагедиялар» спектаклларини кўрсатди. Спектакллар зўр муваффақият билан ўтди. Румыния матбуоти театр коллективининг бадиий маҳоратига юксак баҳо бермоқда.

⊙ Сан-Паулода (Бразилия) Бразилия билан СССР ўртасида маданий алоқа жамияти тузилди. Бу янги жамиятнинг мақсади — Бразилия билан Совет Иттифоқининг бир-бирларига маданий, илмий, артистлар, техника, спорт ва студентлар делегацияларини юбориб туришни кучайтиришдан иборатдир.

⊙ Ер ислоҳоти миллий институтининг директори А. Н. Хименес бошчилигидаги Куба ҳукумат иқтисодий миссияси Германия Демократик Республикасида беш кун бўлгандан кейин ватанига жўнаб кетди.

⊙ Бразилияда чиқадиган «Новос Румос» газетасининг хабар беришича, миллий демократик иттифоқ партиясидан депутат Карлос Кинтелла Рио-де-Жанейро штати қонун чиқариш ассамблеясига Бразилия компартияси фаолиятини қонунлаштиришни талаб қиладиган мактубни тақдим этди. Мактубни ассамблея депутатларининг кўпчилиги имзолаган.

⊙ Англия флотининг 7 кемадан иборат эскадраси визит билан Копенгагенга келди. (ТАСС).

Редактор И. РАҲИМОВ.

ФУТБОЛ

ЧЕМПИОН ЯНА ЮТА ОЛМАДИ

Мамлакатнинг 1959 йилги чемпиони «Динамо» (Москва) командасининг «Пахтакор» билан ҳар икки даврадаги ўйини ниҳоятда қизиқарли ва кескин спорт кураши остида ўтганлиги билан характерланди. Биринчи даврада Москва шаҳрида бўлган ўйинда ҳар иккала команданинг «бомбардимончилари» дарвозаларга биронта ҳам тўп киритолмай, доғда қолишган эди. Масаланинг яна бир доғ бўладиган жойи шундаки, москвалик футболчиларнинг энг қобилиятли ўйинчиси Соколов 11 метрлик штрафдан тўп киритолмай қолган эди. Бу ўйинда дарвозабон Климов катта маҳорат кўрсатиб, уларнинг ғалаба қозонишига йўл бермади.

Шу сабабли ҳар иккала команди Тошкентда бўладиган ўйинга алоҳида тайёргарлик билан келишди. Чунки, бу гал чемпион кучлими, ёки кечагина катта футбол майдонига кириб келган «Пахтакор» кучлими, деган масала ҳал бўлар эди. Бунинг устига, чемпионнинг аҳволи бу йил унча яхши эмас. У турнир жадвалида «Пахтакор»нинг ён қўшниси.

Ленинградлик судья П. Белов сигнал бериши билан чемпион дарҳол ҳужумга ташланиб, «албатта ғалаба қозонамиз» деган шиорни билдириб қўйди. Ҳақиқатан ҳам марказий ҳужумчи Урин биринчи минутдаёқ Климов билан юзма-юз келди. Климов моҳир футболчининг оёғи остидан тўпни юлиб олиб, стадионни тўлдириб ўтирган 50 минг томошабиннинг таҳсинига сазовор бўлди. Шунда ҳам москваликлар бўш келишмади. Ҳужум устига ҳужум давом этиб турди. Пахтакорчи Моторин ва Тазетдинов ўйинда бурилиш ясаш учун қаттиқроқ ҳаракат қилиб, ҳужумчиларга актив ёрдам беришга ўтдилар. Бу ўз натижасини берди. Ўйин аста-секин тенглаша борди. Энди «Пахтакор»нинг ҳужумчиларидан Красницкий, Беляков, Феофанов дарвоза олдида тез-тез пайдо бўла бошладилар.

28 минутда «бомбардимончи» Красницкий ўзига оширилган тўпни ўнглаб олиб олдинга ташланди. Марказий ҳимоячи Крижевскийнинг тўпни олиш учун қилган ҳаракати беҳудага кетди. Тўп Беллев ёнидан ўтиб сеткага тушди. 1:0.

Ғалабадан руҳланган тошкентликлар ҳужумни бўшаштирмадилар. Аммо ўйиннинг биринчи ярмида ҳисоб ўзгармади.

СУРАТДА: Ўйин пайти. А. ПАЛЕХОВ фотоси.

Танаффусдан кейин меҳмонлар дарҳол ҳужумга ташланиб, ҳисобни бараварлаштирдилар. Ўйиннинг қолган вақтида ҳар иккала томон галма-галдан ҳужумга ўтиб турди. Аммо, дарвозабонларнинг яхши ўйнашлари ҳисобни ўзгартиш имкониятини бермади.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳаво ниҳоятда иссиқ бўлгани учун охирги минутларда ҳар иккала команда ҳужумни анча сусайтириб қўйди. Шундай қилиб, бу гал ҳам ўйин дуранг бўлиб, ҳар иккала команда биттадан очкони қўлга киритди.

В. МАХКАМОВ.
Ҳ. ЮНУСОВ.

* * *

I-группада қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди: «Торпедо» (Москва) — «Авангард» (Харьков) —2:1, «Молдова» (Кишинев) —«Зенит» (Ленинград) —2:1, «Калев» (Таллин) — «Динамо» (Тбилиси)—2:5, «Даугава» (Рига)—«Спартак» (Ереван)—2:0.

КОМАНДАЛАРНИНГ ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ АҲВОЛИ ҚУЙИДАГИЧА:

Командалар	*Ўйин*	*Очко*
«Торпедо» (Москва)	15	25
Армия спорт клуби (Ростов)	14	18
«Динамо» (Тбилиси)	14	17
«Спартак» (Ереван)	14	16
«Даугава» (Рига)	14	16
«Динамо» (Москва)	14	15
«Зенит» (Ленинград)	14	15
«Пахтакор» (Тошкент)	15	13
«Авангард» (Харьков)	15	10
«Молдова» (Кишинев)	15	10
«Калев» (Таллин)	14	8

ПРАВДА ВОСТОКА

Газетанинг бугунги сонида «Австрия меҳнаткашлари делегациялари совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевни табрикламоқдалар» деган сарлавҳа остида Н. С. Хрушчевнинг Австрияда бўлишига доир материаллар босилган.

Газетада КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига бошланган умумхалқ мусобақасининг якунларига доир хабарлар берилган. Оржоникидзе район партия комитетининг секретари Қ. Маҳкамова район колхозларида юқори пахта ҳосили учун олиб борилаётган қизғин кураш ҳақида ҳикоя қилади.

«Мирзачўлни тезроқ ўзлаштирайлик» — Ю. Никольский ва А. Хайритдиновларнинг мақоласи шундай деб номланган. Илмий ходимлардан Ф. Степанов билан В. Полевшчикова зарпечак ва унга қарши кураш ҳақида ёзадилар. «Правда Востока» мухбири Р. Плунгян Ўрта Чирчиқ районидаги колхозларда пропаганда-агитация ишларидаги камчиликларни очиб берган.

Тўртинчи бетдан маҳаллий хабарлар ўрин олган.

ЎЗБЕКИСТОНИ СУРХ

Газетанинг бугунги бош мақоласи республикада китоб пропагандасининг аҳволига бағишланган. «СССР ва Австрия халқлари тинчлик ва дўстлик учун» деган сарлавҳа остида Н. С. Хрушчевнинг Австрияда бўлишига доир материаллар берилган. Шунингдек газетада КПСС Марказий Комитети июль Пленуми шарафига бошланган умумхалқ мусобақасининг якунларига доир материаллар бор.

Газетада Ўзбекистон ССР мактаблари учун янги ўқув планлари берилган. Андижон область музикали драма театрининг директори К. Раҳимов театр коллективининг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Газетанинг тўртинчи бетида маҳаллий ва чет эл хабарлари берилган.

АЖАБО, БУ ҚАНАҚАСИ?

Биз телевизор «ателье»сига бориб, «Рекорд» типидаги телевизоримиз ишламай қолганлигини айтиб, тузатиб беришларини илтимос қилдик.

— Хўб, эртага боради, — деди навбатчи аёл.

Шу йил 18 июнда «ателье»дан техник келди-да, телевизорни кўриб, «лампочка олиб келаман» деб қайтмоқчи бўлди. У квитанция ёзиб, 10 сўм тўлашни талаб қилди.

— Хўш, нега, тузалмади-ку!?

— Келганимга берасиз, оғайни!

Пулни олиб кетди. У 25 июнда яна келиб, аппаратни титкилаб «15 сўм тўланг, трубасини эса «ателье» ишхонасига олиб бориб кўрсатинг», деди.

— Не, яна пулми?

— Қоидаси шунақа, уйга кирдикми, тамом. Пул оламиз. Мана, керак бўлса сизга 13830 сонли ҳужжат ҳам бераман.

Пул тўлашга мажбур бўлдим. Кейин трубани «ателье»га олиб бордим. Унда ходимлардан бири труба ярамайди, 226 сўм 50 тийин тўласангиз, янгисини берамиз деб ичкарига кириб кетди, шериги эса эскисини ташлаб кетарсиз, сизга керак эмас-ку деб ҳам қўйди.

Қисқаси, бир ярим йил ичида уйимизга техник 6—7 марта келган бўлса бирор марта ҳам фойдаланмадик, аммо 10 сўмдан 40 сўмгача пул олиб кетишди, телевизор бари бир ишламади.

«Ателье»дан келиб кетувчилар 200 сўм пул олишди. Яна 600 сўм сарфласаккина телевизор ишлармиш.

Бизнингча «ателье» бузилган телевизор учун ишлатиладиган қисмларга ҳақ олса ҳам, ҳар гал бориши-га «чўзиб қўйинг»ни бас қилиши керак. Ахир, улар бунинг учун маош олишади-ку!

Марат ИКРОМОВ,
Киров район, Қосимхўжаев кўча, 49-уй, Транспорт институтининг студенти.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/VII да **Концерт**, 9/VII да **Трубадур**.
АНДИЖОН МУЗДРАМА ТЕАТРИ — Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида: 8/VII да **Қайнона**, 9/VII да **Ҳолисхон**. Муқимий номли театрнинг ёзги биносида: 8/VII да **Фарғона ҳикояси**.

КИНО

Салом, доктор! — «СПУТНИК» (2-залда), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). КАФАНОВ номли (кеч соат 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минутда).

Акуланинг тиши — «ДРУЖБА» (2-залда), СОБИР РАҲИМОВ номли, «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «ШУҲРАТ» (кеч соат 9 ва 11 да), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 9-20 минут ва 10-40 минутда).

12 ойча ҳақида эртак — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

Ўғлим уйланади — «ВАТАН» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Қочоқлар — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Юбарилмаган хат — «ИСКРА» (кеч соат 9-10 минут ва 11 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз 2, 4 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11 ва кеч 9 да).

Поезддан тушган киши — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 ва кеч 6 да).

Кутлуғ қон (ўзбек тилида кеч соат 9.10 минутда). **Жаннат қушчалари** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

Қишнинг фантазияси — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

Уруш ва тинчлик (2-серия) — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 9 дан), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9 яримда).

Соат ярим кечада тўхтаб қолди — СОБИР РАҲИМОВ номли (ёзги, кеч соат 9 ва 11 да).

«Комета» матроси — ПУШКИН номли (кеч соат 10.50 минутда).

Қасос — «УДАРНИК» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, *«Правда Востока» кўчаси 26 уй*

КОММУТАТОР — 26334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши — 27604, Пропаганда — 31226, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р 01335. Нашр. А, № 158.